

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ
МУНОСИБ ТАРЗДА
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ахиллик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2012 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 20 июль кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чоратadbирларни амалга оширсин.

Мазкур тadbирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик

фазилатларини эъзозлаш, мамлакатимизда муқаддас динимизни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг бой илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасидаги кенг кўламли ишларимизни тарғиб этиш, ушбу қутлуғ ойда амалга ошириб келинадиган хайрия тadbирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 17 июль



САБРИМИЗ СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Бу йил Рамазон ушбу сўзнинг луғавий маъносига муносиб келди (“рамазон” куёшнинг куйдириши маъносини билдирувчи “рамаз” сўзидан олинган. Муфассир Маҳмуд Замахшарий ўша пайтларда рўза ойи ҳозиргига ўхшаб йилнинг энг иссиқ кунларига тўғри келгани учун шундай номланганини айтади). Вақтнинг одатдаги шитоби сусайгандек, соатлар тўхтаб қолаётгандек туюлади. Бу, айниқса, тушдан кейин яққол сезила бошлайди. Сувнинг жилдираши кулоққа киради, нигоҳлар беихтиёр ўша ёққа тикилади, нафс ширин энтикади...

Аммо руҳимиз хотиржам. Тилимиз, гарчи куруқшаб, айланишга қийинчилик сезса-да, қалб тўридан келаётган шукроналарни изҳор қилишда малолланмайди.

Ажаб, кўпчилигимиз жисм роҳати тўйиб ебичишда деб ўйлаймиз ва шундай қилиш пайида бўламиз. Тўғри, нафсимиз ором олади, бироқ вужудимиздан оғирлик, кайфиятимиздан тундлик аримайди. Бугун эса оч, ташнаимиз, шунга қарамай тетикмиз, руҳимиз кўтаринки. Бунинг сабаби нимада? Чунки сабримиз, иродамиз синалмоқда. Биз Парвардигоримизнинг буйруғига “Лаббай!” деб, рўза тутмоқдамиз. Ҳавонинг иссиқлиги, ишдаги оғирликларни баҳона қилиб, бу улуг фарзни бажариш шарафидан, бандалик бахтидан, мукофоти мўл синовдан ўзимизни тортмадик. Иншааллох, бу синовдан ўтамиз ва ваъда қилинган ажрга мушарраф бўламиз.

Рамазон, таъбир жоиз бўлса, раҳмат-мағфират ёмғирлари мавсуми. Қилмишлару гуноҳлар ғубори қоплаган қалбимизни ана шу ёмғирда тозалаб олиш фурсати. Ҳадисларда айтилганидек, бу имкониятдан фойдаланмай, бурни ерга ишқаланадиганлардан бўлиб қолмайлик. Рамазонни ғанимат билиб, яхши амалларда ғайрат қилсак, насиб этса, жаннатга Райён эшигидан биргаликда кирамиз.

Барчамизга ана шундай саодат насиб этсин!

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир хайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Исомиддин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мухтарама УЛУҒОВА

Муқова

«Voris Design» маркази билан
хамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

Матни

Раҳима КАРИМЖОН кизи
терди.

Манзилимиз

100002, Тошкент шаҳри
Заркайнар 18-берк кўча 47^а-уй;
Тел: 240-05-19, 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтамыз: m-nashr@yandex.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2012 йил 20 июлда руҳсат берилди.
Босмаҳонага 2012 йил 23 июлда топширилди.
Қоғоз бичими 60x841/8. Адади 47.700 нусха.
2544-сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компаниясида босилди. Тош-
кент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Қўлёзмалар қайтарилмайдди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос ва
рақамлар учун муаллиф масъул. Хат юборилгани-
да исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар
кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Хидоят»дан
олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Дастуриламал	
Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида	1
Таянч нуқта	
Сабримиз синовдан ўтмоқда	2
Рамазон шукӯҳи	
Курбоали ТУРСУНОВ	
Саноқли кунлар ҳикмати	6
Яхшиликка чақириш	
Юлдуз КОМИЛ қизи	
Тавбаларимиз қабул бўлсин	7
Халқаро алоқалар	
Абдулхамид ТУРСУНОВ	
Идора ҳаётида муҳим ҳодиса	10
Журналхон илҳами	
Тўлқин АЗИМОВ	
Момогинам	11
Мустаҳкам оила йили	
Аҳмаджон БОБОМУРОД	
Оилалар бузилмасин	12
Халқона ўғитлар	
Момоларимиз айтади	13
Ёмонликдан қайтариш	
Очил МУРОДИЛЛАЕВ	
Ҳалокатли иллатлардан сақланинг	15
Ҳадис шарҳи	
Рўздорнинг икки қувончи	16
Авлиёлар ҳаётидан	
Лой теккан девор	17
Шеърят	
Фозил ЗОХИД	
Нафсини тийганинг толеи баланд	18
Омонуллоҳ МУТАЛ	
Ҳикматли дунё	19
Рамазон шукӯҳи	
Зебунисо ҲУСАЙН	
Муборак ойдамиз	23
Яхшиликка чақириш	
Фахриддин МАМАНОСИРОВ	
Муҳаббат имондандир	24
Тарбия	
Зокиржон ШАРИФОВ	
Одий кийиниш ҳам имондан	25
Аёллар саҳифаси	
Аёллар рўзаси	26
Мозийга қайтиб	
Нажот НИЁЗОВ	
Қозончи авлиё	27
Яхшилар ёди	
Анвар ТОЖИЕВ	
Муродхўжа Солиҳий ким бўлган?	28
Тафаккур	
Ўхшаши йўқ ва ўзгармас	29
Маълумотхона	
Зилола ТУЙЧИБОЕВА	
Берунийнинг изланишлари	30
Талабалар ижодидан	
Ҳилола УМАРАЛИЕВА	
Соғинаман сени, мадрасам... ..	31
Ибратли ҳикоялар	
Дуо олган болакай	32

Тафсир

ЖАННАТ АҲЛИНИНГ СИФАТЛАРИ

4

“Гуноҳларни фақат Аллоҳ мағфират этади...” Абу Ҳурайрадан ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: “Расулulloҳ ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бундай дедилар: “Бир одам гуноҳ қилиб сўнгра “Парвардигорим, мен гуноҳ қилиб кўйдим, Ўзинг кечир”, деса, Аллоҳ таоло: “Бандам гуноҳ қилди, лекин уни кечирувчи ва гуноҳлари боис жазоловчи Парвардигори борлигини билди. Шунинг учун унинг гуноҳидан ўтдим”, дея марҳамат қилади...” (Имом Аҳмад).

Саҳобалар ҳаёти

ИМРОН ИБН ҲУСАЙН

Имрон ибн Ҳусайн ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) Аллоҳга чексиз муҳаббатли, тўғри сўз, тақводор, садоқатли инсон бўлиб, Аллоҳ таоло унга тавфиқ ва ҳидоят неъматини берган эди. Шунга қарамай, у: “Қани энди шамоллар тўзғитиб юборадиган қум зарралари бўлсам эди”, деб тинмай кўзёш тўкарди.

8

Масала

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

“...Агар у дарахтларни ушбу жой қабристонга айлантирилишидан олдин кимдир эккан бўлса, меваси ўша одамга тегишли бўлади ва унинг руҳсатисиз меваларни еб бўлмайди. Қабристонга айлантирилган ерга экилган дарахтлар меваси сотиб, пули ушбу худудни ободонлаштириш учун ишлатилади. Бу меваларни ейиш камбағалларга жоиз, бойларга эса макруҳ ҳисобланади”

14

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Кийиниш одоби

“Gulf News” газетаси ёзишича, Бирлашган Араб Амирликларида мамлакатга кирувчилар учун кийиниш маданияти қонуни ишлаб чиқилди. Сайёҳлар, чет элдан келган ишчи ва талабалар жуда очик ва тор кийиниши, бу ҳол ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани шундай қонун чиқарилишига сабаб бўлди.

20

ЖАННАТ АҲЛИНИНГ



الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكَاطِمِينَ
الْعَيْظَ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ
وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَاحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا
اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِدُنُوبِهِمْ وَمَنْ يَغْفِرِ اللَّهُ لَهُ
وَلَمْ يُصِرُّوا عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ
أُولَٰئِكَ جَزَاءُهُمْ مَغْفِرَةٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَجَنَّاتٌ تَجْرِي
مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَنَعْمَ أَجْرُ الْعَامِلِينَ



“Улар (тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиганлар, ғазабларини ютадиганлар, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади. Улар бирор фахш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни ёдлаб, истиғфор айтадилар. – Гуноҳларни фақат Аллоҳ мағфират этади! – Улар била туриб, қилмишларида давом этмайдилар. Ана ўшаларнинг мукофотлари – Парвардигор мағфирати ва остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннат боғларидир, унда абадий бўлурлар. (Солих) амал қилувчиларнинг мукофоти нақадар яхши!” (Оли Имрон, 134–136).

Ушбу оятларда жаннат аҳлининг бир қатор сифатлари баён этилган.

“Улар (тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиганлар, ғазабларини ютадиганлар, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир”. Яъни, мўминлар зарар етса ҳам, хурсандчилик келса ҳам, қийинчилик ва кенгликда ҳам яширин ва ошкора хайр-садақа қиладилар. Ҳеч нарса уларни Аллоҳ таоло буюрган ўринларда молларини сарфлашдан, қариндошлари ва ва барча жонзотларга яхшилик қилишдан тўса олмайди.

Ундай инсонлар жаҳллари чиқса ўзларини босишади, яъни аччиқ устида бирор иш қилиб қўйишмайди, ёмонлик қилган кишини кечиришади. Аллоҳ таоло айтади: “Эй Одам ўғли, ғазабланган пайтингда Мени эсласанг, Мен ҳам ғазабланганимда сени эслаيمان ва ҳалок қилганларим орасида сени ҳам йўқ қилиб юбормайман” (Ибн Абу Хотим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтадилар: «Расулulloҳ (ўзига Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) сўрадилар: “Қайси бирингиз ворисининг молини ўз молидан кўра яхши кўради?” Саҳобалар: “Ё, Расулulloҳ, ҳаммамиз ворисимизнинг молидан кўра ўз молимизни яхши кўрадим”, деб жавоб беришди. Расулulloҳ (ўзига Аллоҳнинг саломи бўлсин) бундай марҳамат қилдилар: “Билиб қўйинг, сизларнинг ҳаммангиз ворисининг молини ўз молидан кўра яхши кўради. Фақат ўзингиздан олдин юборганингиз (Аллоҳнинг йўлида сарфлаганингиз) сизнинг молингиздир, қолдирганингиз ворисининг моли”. Сўнг яна сўрадилар: “Сизнингча кучли, паҳлавон ким?” Биз: “Одамлар енголмаган киши”, дедик. “Йўқ. – дедилар у зот, – Ғазабланганида ўзини боса олган киши ҳақиқий паҳлавондир” (Имом Бухорий ривояти).

Яна бир ҳадисда бундай дейилади: Набий (ўзига Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) айтадилар: “Ким ғазабини юзага чиқаришга қодир бўлса-ю, лекин уни ичига ютса, Аллоҳ таоло унинг қалбини хотиржамлик ва имон билан тўлдиради” (Суютий “Дуррул мансур”).

Кечиримлилик ҳам улуғ сифатлардан ҳисобланади, кечиримли инсонлар ҳақида Набий (ўзига Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бундай марҳамат қилганлар:



СИФАТЛАРИ

«Қиёмат-қоим бўлганида нидо қилувчи бундай нидо қилади: “Инсонларни кечирувчи кишилар қани?! Раббингиз хузурига келинг ва ажрингизни олинг. Ҳар бир мусулмон, агар инсонларни кечира олса, жаннатга киришга лойиқ бўлади”» (Ҳоким ривояти).

“Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади”. Улар бу ишлари билан эҳсон даражасига кўтарилдилар. Муҳсин бандаларни Аллоҳ таоло яхши кўради. Шу маънода бир ҳадис бор. Пайғамбар ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бундай марҳамат қилдилар: “Уч нарса бор, улар билан қасам ичаман: садақа билан мол камаймайди; банд кечирса, Аллоҳ унинг обрўсини кўтаради; ким Аллоҳ таоло розилиги учун камтарлик қилса, Аллоҳ унинг шаънини улуғ қилади”.

“Улар бирор фахш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни ёдлаб, истиғфор айтадилар”.

Абу Бакрдан ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: Набий ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) айтадилар: (“Лаа илаҳа иллаллоҳ” калимасини) ва истиғфор (яъни, “астағфируллоҳ”)ни кўп айтинг. Чунки шайтон айтади: “Мен инсонларни гуноҳлари билан ҳалок қилмоқчи бўлдим, улар мени “Лаа илаҳа иллаллоҳ” ва истиғфор билан ҳалок қилдилар, шундан сўнг уларни ҳавойи нафслари билан ҳалок қилдим, улар ўзларини тўғри йўлдамиз деб ўйлайдилар” (Имом Термизий). Демак, инсон ўз нафсининг барча хоҳишларини қондиравериши билан шайтоннинг тузоғига тушиб қолиши, лекин буни ўзи ҳам сезмаслиги мумкин. Шу сабабли бу ҳолатдан жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Набий ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) дейдилар: “Аллоҳга қасам, мен Аллоҳга бир кунда етмиш мартадан ортиқ истиғфор айтаман ва тавба қиламан” (Абу Яъло ривояти). Бунда бизлар учун катта ибрат бор. Набий ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) биздек гуноҳкор бандаларга ибрат тарзида истиғфор ва тавбани кўп айтишларини таъкидладилар. Ойша онамиздан ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) бундай ривоят қилинади: “Набий ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) вафотларидан олдин “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи” (Аллоҳ нуксонлардан покдир, Унга ҳамд айтаман), “Астағфируллоҳа ва атубу илайҳи” (Аллоҳдан мағфират қилишини сўрайман

ва унга тавба қиламан) калималарини жуда кўп такрорлаган эканлар.

“Туноҳларни фақат Аллоҳ мағфират этади...” Абу Хурайрадан ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бундай дедилар: “Бир одам гуноҳ қилиб сўнгра “Парвардигорим, мен гуноҳ қилиб қўйдим, Ўзинг кечир”, деса, Аллоҳ таоло: “Бандам гуноҳ қилди, лекин уни кечирувчи ва гуноҳлари боис жазоловчи Парвардигори борлигини билди. Шунинг учун унинг гуноҳидан ўтдим”, дея марҳамат қилади...” (Имом Аҳмад).

“...улар била туриб, қилмишларида давом этмайдилар. Оятда, шунингдек, гуноҳ иш қилганидан сўнг унга қайтмаслик ҳам таъкидланмоқда. Чунки бир ишнинг гуноҳ эканини била туриб, яна қилиш унинг гуноҳини катталаштириб юборади. Набий ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) айтадилар: “Раҳм қилинглар, шунда сизга ҳам раҳм қилинади, кечиримли бўлинг, сиз ҳам кечириласиз, кўпол сўзли кишига вайл бўлсин, библи туриб, гуноҳ қилаверадиганларга вайл бўлсин” (Имом Аҳмад ривояти).

“Ана ўшаларнинг мукофотлари – Парвардигор мағфирати ва остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннат боғларидир, унда абадий бўлурлар. (Солих) амал қилувчиларнинг мукофоти нақадар яхши!” Буни билган ҳар бир мўмин ана шу улуғ мартаба ва мукофотга интилади. Бунинг учун эса, мақталган сифатларни ўзида мужассам этишга ҳаракат қилади. Ахир тўрт-беш кунлик умрини илоҳий ризоликка эришган ҳолда ўтказиб, абадий роҳат-фароғатга эришишни ҳар қайси ақлли одам хоҳлаши табиий, шундай эмасми?

Абу Мансур Мотуридийнинг
“Таъвилот аҳл ас-сунна”,
Ибн Касирнинг “Тафсирул Қуръанил азийм”,
Олусийнинг “Руҳул маъаани
фи тафсирил Қуръанил азийм
вас сабъул масаний” тафсирилари асосида

Бадриддин САДРИДДИН ўғли
тайёрлади.



“Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз” (Бақара, 183).

САНОҚЛИ КУНЛАР ҲИКМАТИ

Рамазон покланиш оyi. Бу ўринда инсондаги жисмоний тозаришлардан кенгроқ маънолар назарда тутилади. Яъни, рўзадорда рухий тозариш кузатилади. Сахардан шомгача ебичишдан тийила олган одамда сабр-қаноат туйғуси кучаяди. Иродаси мустаҳкамланади. Иродали, сабрли инсонлар рухий хотиржамликка эришади. Хотиржам руҳ эгалари тилларини ғийбатдан, беҳуда гап-сўзлардан тияди. Кўнгилларидан ҳасаду ғаразни, гинакудуратни ҳайдайди. Одамларга нисбатан эътиборлироқ, раҳм-шафқатлироқ муносабатда бўлишга интилади. Худбинлик ўрнини бағрикенглик эгаллайди. Ҳатто турли узрли сабаблар билан рўзадор бўлмаган кишиларда ҳам бу муборак ойнанинг ижобий таъсири кузатилади. Шу сабабдан ҳам Рамазон ойига маърифат, мағфират, тинчлик, хотиржамлик, сабр оyi каби сифатлар қўшиб айтилади. Булар барчаси бир-бирини эргаштириб келгувчи инсоний фазилатлар ҳисобланади.

Хужжатул ислом Имом Ғаззолий таърифи-ча: “Рўза тутиш жон учун закот, бадан учун

риёзат, яхшилик учун даъват, гуноҳлардан сақланиш” демакдир.

*“Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким,
эрур ёрлиг иш...”*

Эътибор қилинг, Алишер Навоий ҳазратлари ўз хитобларида “Олам аҳли...” деяпти. Миллату ирк, дину мазҳаб каби тафовутлардан юқори туриб, дунё халқларига мурожаат қиляпти. Тинчликка, ўзаро ҳамжиҳатликка чақиряпти. Зеро, ер юзи бўйлаб сочилиб кетган халқларнинг келиб чиқиш ўзаги битта, бир ота-она фарзандларидир. Исломнинг беш устунидан бири бўлмиш рўза туфайли ўзаро аҳиллик, тотувлик, бағрикенглик туйғулари кучланади. Нифоқу ихтилоф ўрнига ҳамжиҳатлик, ҳамкорликка интилиш юзага келади.

Рамазонда қилинадиган ҳар қандай хайрли амалга бошқа ойлардагидан бир неча ҳисса кўпроқ ажр берилади, шунга кўра кишиларда бу ойда савобли ишларни ҳар қачонгидан

кўпроқ қилишга интилиш майли ортади. Қолаверса, бир ой давомида фақат яхши ниятда, яхши амалда бўлган кишиларнинг рўзадан кейинги ойларда ҳам бундай яхшиликларда бардавом бўлишлари табиий.

Фитр Рамазон ойи охирида ҳар бир мусулмон бериши лозим бўлган садақадир. Фитрни ҳайит куни тонг отгач беришнинг савоби улўғроқ дейилади. Аммо уни ҳайитдан олдинроқ ҳам бериш мумкин. Муҳтожлар ҳайит арафасида камчиликларини битказиб, байрамга тайёргарлик кўришларига имкон туғилади. Фитр садақаси замирида эса байрам ҳаммага татисин, қўли қисқа, камхаржроқ кишиларнинг оила аъзолари ҳам байрам шодликларидан баҳраманд бўлсин, байрам қувончи ҳар бир хонадонга, ҳар бир кўнгилга кириб борсин, деган эзгу мақсад ётади. Диннинг беш устунидан яна бири закот айнан Рамазон ойи берилишида ҳам чуқур маъно бор.

“Сизлар молларингизни закот бериш билан кўрғонлангиз (ҳалоллангиз), касалларингизни садақа бериш билан даволангиз ва турли бало-офатларга дуони ҳозирлангиз”, дея марҳамат қилинади ҳадиси шарифда.

Закот моли нисобга етган кишига вожиб бўлади. Бу жамиятда ўзаро меҳроқибатни кучайтиришда, тўқисликни таъминлашда асос бўлади.

Булардан ташқари, хайр-садақанинг, эҳсоннинг турлари кўп. Имкони бор мол-дунёси, бошқалар илму хунари, хизмати билан, ҳатто яхши сўзлари, панд-насихатлари билан ҳам хайр-садақа қилишлари мумкин. Яхшилик, эҳсон олдин ота-онага, оила аъзоларига қилинади. Бунда оила мустаҳкамлиги таъминланади. Қариндош-уруғ, кўни-қўшни, етим-есир ва кексаларга, талабаларга қилинган ёрдам хоҳ моддий, хоҳ маънавий тарзда бўлсин, ўзаро меҳроқибатни, ҳамжихатликни пайдо қилади. Бундай ҳамжихатлик устувор жамиятда эса соғлом муҳит юзага келади, мамлакат равнақи бардавом бўлади.

Қурбонали ТУРСУНОВ,
Тошкент вилояти бош имом-хатиби

ТАВБАЛАРИМИЗ ҚАБУЛ БЎЛСИН

Инсоннинг хатолар гирдобидан чиқиш, нажотга эришиш йўли тавбадир. Аллоҳ таоло Таввобдир, яъни бандасидан ҳар қанча хато ўтса ҳам, пушаймон бўлиб, дилдан илтижолар этиб, чин тавба қилса, кечиради.

Ибн Умар ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилади: «Расулulloҳ ^(у зотга Аллоҳнинг саломати ва саломи бўлсин): “Банданинг жони ғарғарага келгунига қадар унинг тавбаси қабул бўлади”, деб марҳамат қилганлар» (Имом Термизий).



Фурсатни бой бериб, жони узилишга келган пайтда, минг пушаймон чекса ҳам, банда тавба қилишга кечиккан бўлади.

Исломдан узоқлашиш ва ҳаё каби соф қадриятларни унутиш натижасида инсон нафсининг қулига айланади. Масалан, айримларга ўхшаб, юриш-туриш, кўриниш, сўзлаш, ҳатто фикрлашда ўзини, миллий қадриятимиз қолиб, ғарбнинг “оммавий маданият”га етакловчи ғояларини намуна сифатида қабул қилиш катта хатодир.

Тавба қилувчи бутунлай ўнгланиб, яхши амалларга киришмас экан, унинг тавбаси дуруст бўлмади. Аксинча, биз Пайғамбаримизнинг ^(у зотга Аллоҳнинг саломати бўлсин) гўзал хулқларига эргашмоғимиз керак. Шундагина адашмаймиз, тавбаларимиз, яхши амалларимиз қабул бўлади, раҳматга эришамиз. Аллоҳ таоло: **“Ким (шу дунёда) тавба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб кўюр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир”** (Фурқон, 70) дея марҳамат қилган.

Юлдуз КОМИЛ қизи
тайёрлади.

Имрон ибн Ҳусайн ҳижратнинг еттинчи йили Исломни қабул қилди. Севимли Пайгамбаримизга (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) яқин ёрдамчи бўлди. Бир неча жанглarda иштирок этди ва Макка фатҳи куни Ҳузоа қабиласининг байроқдори бўлди. Пайгамбар хонадонида илм олиб, фақиҳ бўлиб етишди.

Имрон ибн Ҳусайн мусулмон бўлгач, ҳаётини яхшиликка хизмат қилишга бағишлади.

ИМРОН ИБН ҲУСАЙН

* * *

Имроннинг отаси Ҳусайннинг мусулмон бўлиши Расулуллоҳнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) кўзларини ёшлатган. Ҳусайн ҳали Исломни қабул қилмасидан илгари қурайшликлар унинг хузурига кириб: “Муҳаммаднинг сўзлари бизларга оғир ботмоқда, у илоҳларимизни ҳақоратламоқда”, деб айтишди. Шунда улар Расулуллоҳнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) уйларига боришиб, эшиклари ёнида тўхташди. Ичкарига фақат Ҳусайн кирди. Набий (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) уни кўришлари биланок: “Қарияга жой беринглар”, деб буюрдилар. Ўшанда бир неча саҳоба шу ерда эди. Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Имон келтир”,

дедилар ва Ҳусайн имон келтирди. Сўнгра: “Ё Расулуллоҳ, менинг қавмим ва яқинларим бор. Уларга нима дейман?” деб сўради. Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Ё Аллоҳ, ишим тўғри бўлишига йўл кўрсат, фойдали илмимни зиёда қил”, деб айт, дедилар. Ҳусайн ҳали ўрнидан турмасиданок исломни қабул қилган эди. Шу пайт унинг ёнига Имрон келиб, отасининг боши ва қўл-оёқларини ўпди. Буни кўрган Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) йиғладилар. Саҳобалар нимага йиғлаганларини сўрашганида, у зот: “Имрон қилган ишидан йиғладим”, дедилар. Ҳусайн





ўрнидан туриб кетаётганида Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Уни уйига кузатиб қўйинглар”, дея марҳамат қилдилар.

* * *

Имрон ибн Ҳусайн (Аллоҳ ундан рози бўлсин) Аллоҳга чексиз муҳаббатли, тўғри сўз, тақводор, садоқатли инсон бўлиб, Аллоҳ таоло унга тавфиқ ва ҳидоят неъматини берган эди. Шунга қарамай, у: “Қани энди шамоллар тўзғитиб юборадиган қум зарралари бўлсам эди”, деб тинмай кўзёш тўкарди. Исломдан илгари қилган гуноҳларини ўйлаб азоб чекарди.

Кунларнинг бирида саҳобалар Расулуллоҳдан (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Ё Расулуллоҳ, сизнинг ҳузурингизда эканимизда қалбларимиз эриб, дунёдан узоқлашамиз ва худди охирадни кўриб тургандек бўламиз. Бу ҳол ҳузурингиздан чиқиб кетгунимизча давом этади. Лекин оиламизга, бола-чақамиз қошига қайтишимиз билан бу нарсаларни унутамиз. Бунинг сабаби нима?” деб сўрашди. Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) уларга: “Аллоҳга қасам, агар менинг ҳузуримдаги ҳолингизда бардавом бўлганингизда эди, сизларни фаришталар қарши оларди. Лекин бир муддат диндор бўлиб, яна бир муддат ҳою ҳавас билан яшайсизлар”, деб жавоб қилдилар.

Бу ҳадисни эшитган Имрон ибн Ҳусайн таъсирланиб, холис ибодатдан оғишмай яшашни мақсад қилди.

* * *

Халифа Умар ибн Хаттоб Имронни Басра халқига йўл кўрсатиш ва дин илмларини ўргатиш учун юборди. Имрон ибн Ҳусайнни Басрага жойлашиши биланоқ, шаҳар аҳли уни кутлаб, дуосини олди.

Ҳасан Басрий ва Ибн Сирин: “Басрага Расулуллоҳнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) саҳобаларидан Имрон ибн Ҳусайндан яхшироғи келмаган”, деб айтишган. Бу икки алломанинг саҳобий ҳақидаги юксак фикри унинг даражасидан

далолатдир. Имрон Басрада қозилик вази-фасини адолат билан адо этди.

* * *

Имрон тақводор мусулмон эди, қимматбаҳо, чиройли кийимлар киярди. У зоҳидлик ҳамма нарсадан ўзини тийиб яшашда эмас, балки юракдадир деб биларди. Абу Ражо (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади: “Бир куни Имрон ёнимизга биз ҳеч қачон кўрмаган чиройли ёпинчиқ билан чиқди. Шугина ёпинчиқнинг пулига бир қанча кийим сотиб олиш мумкин эди. Яхши кийим кийишини кўриб, ҳайрон бўлганларга Расулуллоҳнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) “Агар Аллоҳ бандасига неъмат берса, ўша неъматни бандасида кўришни яхши кўради”, деган сўзлари билан жавоб қиларди. Имрон (Аллоҳ ундан рози бўлсин) хоссатан намозга энг гўзал кийим кийиб келарди. Бу иши ҳақида сўрашганида эса: “Нега энди ясанмаслигим керак, ахир Раббимнинг ҳузурини турибман-ку”, дерди.

* * *

Али (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ва Муовия (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ўртасига катта низо тушганида, Имрон ибн Ҳусайн четга чиқиб олмади, балки овозининг борича мусулмонларни тинчликка чақирди. У: “Бир мусулмонга ўқ отганимдан кўра, ўлгунимча тоғда эчки бокқаним яхшидир”, деб айтарди.

* * *

Ўттиз йиллик оғриқли касаллик боис Имроннинг имони комилликка эришди. У касалликка сабрсизлик қилмади ва бирор марта шикоят қилмади. Балки ўтирганида ҳам, турганида ҳам, ётиб қолганида ҳам ибодатда мустаҳкам бўлди. Биродарлари далда берувчи сўз айтганида, уларга кулиб: “Нафсимга энг ёқимли бўлган нарса Аллоҳ учун сеvimли бўлган нарсадир”, дер эди. Мислсиз сабр билан катта намуна кўрсатган Имрон ибн Ҳусайн ҳижратнинг эллик иккинчи йили Басрада оламдан ўтди. Аллоҳ ундан рози бўлсин.

БУШРО
тайёрлади.



Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов Ислому олами уюшмаси (Робита) бош котиби доктор Абдуллоҳ Абдулмуҳсин Туркийнинг тақлифига биноан июн ойининг 13–20 кунлари Саудия Арабистони Подшоҳлигида сафарда бўлди ва уюшманинг 41-таъсис мажлисида қатнашди. Ислому олами уюшмаси 1962 йили Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида ташкил этилган. Бош қароргоҳи Маккада, Мадина, Риёз ва Жидда шаҳарларида бўлимлари бор. Робитанинг асосий мақсади соф диний тушунчаларни кенгроқ ёйиш ва одамлар онгига сингдиришдан иборат. Уюшма таркибида саккизта турли йўналишга ихтисослашган бўлимлар бор. Олий органи Таъсис мажлиси тўртта мувофиқлаштирувчи кенгашдан иборат. Ташкилот 1974 йилдан бери БМТ қошида маслаҳатчи мақомига эга.

ИДОРА ҲАЁТИДА МУҲИМ ҲОДИСА

Робита қошида ташкил этилган “Бутун дунё уламолари ҳайъати” бош маслаҳатчиси Доктор Муҳаммад Нур Раҳвон муфтий Усмонхон Алимовга мазкур ҳайъат раиси доктор Саъд Али Шаҳронийнинг мактубини топширди.*

Робитанинг Макка шаҳри яқинидаги қароргоҳида Ислому олами уюшмасининг Бош котиби доктор Абдуллоҳ Абдулмуҳсин Туркий муфтий Усмонхон Алимовни қабул қилди. Доктор Абдуллоҳ Робита билан Ўзбекистон халқи ўртасида дўстлик ва биродарлик келажакда янада мустаҳкам бўлади, деб ишонч билдирди ва диёримиздан Ислому олами ва мусулмонларга буюк асарлари билан хизмат қилган Имом Бухорий каби зотлар етишиб

чиққани ва уларнинг асарлари дунёдаги барча мусулмонларга мерос экани ҳақида сўз юритди.

Робитанинг 41-таъсис мажлиси 16 июн куни Бош қароргоҳда ўз ишини бошлади. Қуръони карим тиловат



қилинди. Кейин Саудия Арабистони Бош муфтийи Шайх Абдулазиз Абдуллоҳ Оли Шайх сўз олиб, Робита фаолияти ва унинг таъсис мажлиси аъзолари хизматига юксак баҳо берди.

Робита Бош котиблигига шу вазифани бажараётган доктор Абдуллоҳ Абдулмуҳсин Туркий номзодини кўрсатишни ва уни қўллаб-қувватлашни билдирди. Таъсис мажлиси аъзолари унинг тақлифини бир овоздан маъқуллашди.

Мажлисга раислик қилувчи доктор Абдуллоҳ Туркий Робитанинг ўтган беш йилда Ислому олами ва мусулмонларга хизмат йўлида олиб борган фаолияти ва келажакда қилиниши керак бўлган муҳим ишлар тўғрисида сўзлади.

Танаффус вақтида Робита қошидаги илмий ишлар ва анжуманлар ўтказиш бўлими мудирини Раҳматуллоҳ Иноятуллоҳ, Робита Бош котибининг янги ёрдамчиси доктор Одил Шуддий муфтий хазратлари билан суҳбатда бўлди.

Бош котиб доктор Абдуллоҳ Туркий мажлисининг иккинчи қисмида Ислому олами

*Мавзуга доир суратлар муқованинг 2-саҳифасида.



муаммолари хусусида маъруза қилди. Унда Ислом бирдамлиги, Фаластин ва Ақсо масжиди, Сурия, Ливия, Яман, Ироқ, Афғонистон, Сомали, Жанубий Филиппин, Қибрис ва оз сонли мусулмонлар яшайдиган давлатлардаги вазият ҳақида сўз юритди.

Йиғилишнинг иккинчи куни таъсис мажлисига ўн етти давлатдан таклиф этилган янги аъзолар номзоди мажлис иштирокчиларига ҳавола этилди. Улар орасида Ўзбекистондан муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари ҳам бор эди. Муфтий ҳазратлари Робита таъсис мажлисига аъзо бўлгани муносабати билан ташкилот Бош котиби ва қатнашчиларга ташаккурини изҳор этиб, жумладан, бундай дедилар:

“Мазкур халқаро Ислом ташкилоти фаолиятида иштирок этишим мустақил Ўзбекистон мусулмонлари ҳаётидаги муҳим ҳодиса деб биламан.

Ислом олами уюшмасига асос солинган кундан бошлаб ҳозиргача бу ташкилот ўзига юклатилган барча яхши ишларни, жаҳон халқлари ўртасида соф Ислом таълимотини тарқатиш каби муҳим вазифани пухта бажариб келмоқда. Ўз навбатида, биз ҳам бу халқаро уюшма билан Ислом маърифати ва маданиятини халқлар ўртасида мустаҳкамлашда, иншааллох, ҳамкорлик қиламиз. Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “**Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир**” (Моида, 2).

Юртимиз истиқлолга эришгандан кейин ватанимиз мусулмонларининг диний ҳақхуқуқлари тикланди. Шаҳар ва қишлоқларда янги масжидлар қурилди. Тошкент Ислом институти, Ислом университети, Ислом ўрта-маҳсусл билим юртлари ишлаб турибди. Ҳар йили Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига беш мингдан, умра сафарига эса олти мингдан ортиқ киши бормоқда. Диний муассаса кутубхоналарида улуғ аждодларимизнинг нодир қўлёзмалари сақланмоқда. Ота-боболаримизнинг бу асарлари дунё маданияти ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилгани барчага маълум.

2008 йили Самарқандда Имом Бухорий халқаро маркази қуриб, ишга туширилди. Бу иш ҳам ҳадис илми султони Имом Бухорийнинг бой меросини ўқиб-ўрганишга берилаётган катта эътибор натижасидир.

Мен яна бир бор Саудия Арабистони халқи ва ҳукуматига, Икки Ҳарам ходими подшоҳ Абдуллоҳ Абдулазиз жанобларига ҳамда Ислом олами уюшмасининг барча масъул раҳбарларига холис ҳурмат ва ташаккуримни изҳор этаман”.

Муфтий Усмонхон Алимов 18 июн, душанба куни робита Таъсис мажлиси аъзолари билан бирга Мадинаи мунавварага бориб, Пайғамбаримизнинг (ﷺ) муборак мақомларини зиёрат қилдилар. Сўнг яна Макка шаҳрига қайтиб, Робита Таъсис мажлиси аъзоси доктор Муҳаммад Рошид Қаббоний билан суҳбатлашдилар.

Абдулхамид ТУРСУНОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво бўлими мудири

Тўлқин АЗИМОВ

МОМОГИНАМ



Момом келар эди тоғдан:
– Болам, кетдик, юр қишлоққа.
Қўй боқасан, сут ичасан,
Не етсин адир-ўтлоққа...

Ёш боламан, чопдим дарров,
Гўё қушман шўх парвозда.
Йўлда мақтаб кетар момом:
– Яйраб қолгин уч ой ёзда...

Бўлам билан чўмиламиз,
Сигир-қўйни боқиб келиб.
Иссиқ нону қаймоқ билан
Тўйиб-тўйиб тушлик қилиб.

Момом, бобом суҳбатида
Тоғ-тошларнинг салобати.
Юрагида дарё оқар,
Ундан тошқин муҳаббати.

Болаликнинг кўчаси кенг
Қишлоғимнинг адиридан.
Раҳмат топди момом, бобом,
Гуллар ўсибди қабридан.

Гоҳо боқиб қир-адирга
Кўнгил жавоб излар сирга:
Нахот кетди беғуборлик
Момогинам билан бирга?..

Бориб тураман баъзида
Қўй боққаним ўша уйга.
Эски хотирот эргашар
Кўнглимдаги ҳазин куйга...

Қашқадарё

ОИЛАЛАР БУЗИЛМАСИН

Ислонда никоҳ муқаддас саналади. Шу муқаддас никоҳ эр-хотинни жисман ва руҳан яқинлаштиради. Келин-куёвнинг ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, сир-асрорлари, дард-ғамлари, бахту саодатлари, барча-барчаси бирлашиб, қовушиб кетади. Бу Аллоҳ таоло ҳалол никоҳ туфайли бандаларига берган муҳаббат самарасидир. Ана шу муҳаббат билан қўша қаришлари учун куёв ҳам, келин ҳам астойдил ҳаракат қилишлари керак. Бунинг учун ҳар ким ҳақларини, зиммасидаги вазифаларини билиб, шунга амал қилса оила тинч ва саодатли бўлади. Ҳар бир жойда бир бошлиқ бўлганидек, оилада ҳам бошлиқ бўлиши керак. Аллоҳ таоло: “**Эркаклар хотинлар устидан** (оила бошлиғи сифатида доимий) **қоим турувчидир**” (*Нисо, 34*), деб эркакларга оила бошлиғи вазифаси юклатилган. Қайси хонадонда шу илоҳий қонун

бузилиб, оила бошқаруви жиловни хотинга ўтса, масканда тартиб ўзгариши, жанжаллар ва қўйди-чиқдилар кўпайиши мумкинлиги ҳаётини тажрибада исботини топган.

Рўзгорнинг ҳаловатли бўлишида аёл асосий сабабчи эканини унутмас, уй-ҳовлиси тоза-озода бўлишига аҳамият берса, рўзгор ишларида тадбирли бўлса, эри ундан рози бўлади ва ҳаёти ширин ўтади. Умму Салама ^{(Аллоҳ (уқала рози) бўлсин)} онамиздан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ ^(У зотта Аллоҳнинг салоти ва саломати бўлсин): “Қайси бир аёл эрини рози қилган ҳолда оламдан ўтса, у аёл жаннатга киради”, деганлар (*Имом Термизий*).

Оила тотув бўлиши учун уй бекаси зиммасидаги ишларини ўрнида бажармоғи лозим. Айни замонда қайнона-келин муносабатлари долзарб мавзулардан саналади. Айрим қайноналар диёнатни унутгани боис фақат ўзини ўйлаб, арзимаган сабаб билан навниҳол келиннинг оёғига болта уриб, жувонмарг қилади. Мусулмончиликни яхши билганларида келинлари ахлоқсиз, тарбиясиз чиқиб қолганида ҳам Аллоҳдан қўрқиб, уларни яхши йўлда тарбиялашга ёшларнинг турмушини сақлашга ҳаракат қилишарди. Тарбиясиз келинни сабр билан олижаноб инсонга айлантириш мумкин.

Айрим оналар қизим бировнинг хонадонига келин бўлиб борса қийналмасин, деб рўзгор ишларини икир-чикиригача ўргатишади. Ундай келиндан қайнона ва қайнота барака топади. Айрим оналар эса қизим қийналмасин деб, рўзгор ишларининг ҳаммасини ўзи бажариб, қизларини талтайтириб, эркатой қилиб ўстиришади. Оқибатда қиз рўзгор ишларига укувсиз бўлади. Омади келиб, қиз тушган хонадондаги қайнонаси тоза қалбли, оқила аёл бўлса-ку, яхши. Билмаганини ўргатиб, ўз қизидек кўриб,



ўғли учун уни тарбиялаб олади. Аммо акси бўлса-чи, орзу-ҳавасларга бурканиб келин бўлган қиз уч-тўрт ойдан кейин ота-онасиникига қайтиб боради.

Муҳтарама қайноналар, ўзингиз совчи бўлиб, танлаган келинингиз уйингиздан кетиб қолса, унутманг, бу сизнинг ҳам айбингиз. Доно халқимиз: “Яхши гап билан илон ҳам инидан чиқади”, деган. Демак, сиз мураса қилишда, кўнгилга йўл топишда хато қилгансиз. Келинингизни қанчалик ёмонламамг, барибир у ёш, ғўр, ҳаёт машаққатларини бошидан ўтказмаган тажрибасиз бўлгани учун ҳеч ким уни айбдор санамайди. Айб сизга юкланаверади. Одамлар назаридан қолиб, халқ орасида обрўйингиз кетади.


Айрим йигит-қизлар бир-бирини ёқтириб қолиб, турмуш куришади. Кўп вақт ўтмай, турмуш ташвишлари бошланади. Орадаги оташин муҳаббат оддийлашгандек туюлади гўё. Бунга сабаб... Келин-куёв бир-бирини севишса ҳам, келиннинг шеваларими, расм-русумларими, одатларими қайнонага тўғри келмайди. Уни йўқотиш учун иссиқ-совуқ, сеҳр-жоду, макр-ҳийлалар қила бошлайди. Ўғли ёқтирган қизни келин қилдими, азиз қайнона сабр-бардош билан, уни ўз қизидек кўриши лозим. Ўтирса ўпок, турса сўпок демасдан, яхши ишларини мақтаб, кўнглини кўтариб, билмаганларини мулојимлик, ширинсўзлик билан ўргатиб бориши, кўнглини совутмасдан, меҳрибонлигини намоён қилса, келин ҳам ўғли туфайли шу хонадон аъзосига айланганини унутмаса, келин ҳам қайнонани онасидек кўради. Қайнона ўзининг қизи ҳам бировникида келин бўлиши мумкинлигини унутмаслиги керак. Қизига қайнонаси ёмон муомала қилса, қанча қийналади, кўнгли сиқилади, қудасидан хафа бўлиб, боласига ачинади. Ўз қизига ачинган аёл келинини ҳам тушуниши керак.

Оиланинг бахти барқарорлиги оила аъзоларига боғлиқлигини биламиз. Айниқса, катталарнинг оқиллиги – оналар, қайноналарнинг мулоҳазакорлиги оилада тотувлик ва барака бўлишини таъминлайди.

Аҳмаджон БОБОМУРОД,

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институти мударрисиси



МОМОЛАРИМИЗ

АЙТАДИ...

* * *

Бировга шамол тиласанг,
Ўзингга бўрон кут.

* * *

Ҳар бутага ўт тушса,
Ўзи куйиб ўзи ёнар.

* * *

Бировга қолган кун – тонг отмаган тун.

* * *

Бола – эр-хотиннинг кавшари.

* * *

Болали уйда сир турмас,
Боласиз уйда кир турмас.

* * *

Болани пулли ҳам қилма, пулсиз ҳам кўйма.

* * *

Қуриган ёғоч эгилмас,
Қуриган тикиш тугилмас.

* * *

Сақланмаган алп – жардан қулабди.

* * *

Кун кўраман десанг, эрта тур.

* * *

Гап билмаган – маърака бузар.

* * *

Дард томирни ейди, хасрат – умрни.

* * *

Тирикчилик тошни ҳам ёрар.

* * *

Дили қинғирнинг – тили қинғир.

* * *

Йўқ товукдан – бор тухум яхши.

* * *

Уйида умоч кесмаган – кўчада угра кесибди.

Тошкентлик Нажима бувидан ёзиб олинди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради



Савол: *Муҳтарам муфтий ҳазратлари! Рўзада бериладиган фитр садақаси ҳақида маълумот берсангиз.*

Жавоб: Фитр садақасининг бериш шарти қурбонлик қилишнинг шарти билан бир хил. Яъни, ҳожати аслия (бирламчи эҳтиёжи)дан ташқари кумуш нисоби миқдоридаги ҳар қандай кўринишдаги молга эга бўлган мусулмон фитр садақаси бериши вожибдир (“*Муҳтор шарҳи Ихтиёр*”). Бу мол ўсиб (кўпайиб) туриши ва бир йил мобайнида камаймаслиги шарт эмас.

Фитр садақаси ушбу тўрт нарсдан бериледи: буғдой, арпа, хурмо (араб хурмоси), майиз (“*Хизонатул муфтий*”, “*Шарҳи Таҳовий*”).

Фитр садақаси буғдойдан ярим соъ, арпа ва хурмодан бир соъ миқдорда бериледи. Буғдой ва арпанинг уни ҳам худди буғдой ва арпа кабидир. Майиздан эса, Абу Ҳанифа ва икки Имомнинг тўхтамларига кўра, бир соъ миқдориди садақа бериледи.

Буғдойдан кўра унни садақа қилиши афзал, унни бергандан эса, пулини берган яна ҳам яхшироқдир. Чунки пул камбағалнинг ҳар турли эҳтиёжини қондиради. Фуқаҳоларнинг фатволарига кўра, айтиб ўтилган нарсаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг қийматини бериш авлодир.

Бу айтилган миқдор ҳар бир жон боши учундир, оилада нечта одам бўлса, шунга қараб ҳисобланади (“*Фатавои Ҳиндия*”).



Савол: *Динимизда “ҳожати аслия”, “нисоб миқдори” дейилганида айнан нималар назарда тутилади?*

Жавоб: “Ҳожати аслия”, кишининг бирламчи эҳтиёжини қондирадиган нарсалардир. Буларга ичида яшаётган уйи, бир сидрадан ёзги ва қишки кийимлари, зарурий уй жиҳозлари, олтин ва кумушдан ясалмаган идиш-товоклар, битта улов, иш куроли, оила аъзоларининг озиқ-овқати киради (“*Айний шарҳи Ҳидоя*”).

“Нисоб миқдори” деганимизда, ана шулардан ортиқча молларнинг маълум миқдорга

етиши тушунилади. Мисол учун:

олтин: 20 мисқол (80.18 гр.);

кумуш: 200 дирҳам (561 гр.);

пул: олтин ёки кумуш нисоби баҳосига тенг бўлганида.

Тижорат моллари: олтин ёки кумуш нисоби баҳосига тенг келганида.

Кўй ва эчки: қирқтага етганида.

Мол: сигирлар сони ўттизтага етгач.

Туя: бештага етганида (“*Фатавои Ҳиндия*”).



Савол: *Шариат бўйича, бойларнинг ҳам турлари бўларкан. Шу ҳақда билмоқчи эдим.*

Жавоб: Фуқаҳоларимиз далиллар асосида бойларни уч тоифага бўлганлар:

1. Моллари нисобга етиб, бир йил мобайнида ўсиб турган, закот, фитр садақаси ва қурбонлик қилишлари вожиб бўлган бойлар. Уларга бошқаларнинг вожиб садақасини олиш ҳаром бўлади.

2. Моли кумуш нисобига етган, аммо бунга ҳали бир йил тўлмаган ёки ўсиб турмайдиган молга эга шахслар. Улар фитр садақаси беришлари ва қурбонлик қилишлари вожиб. Шу билан бирга, улар ҳам вожиб садақаларни олишлари мумкин эмас.

3. Моли кумуш нисобига етмаган, ўзини ва оиласини таъминлашга қодир кишилар. Булар ҳар қандай садақани олишлари мумкин.



Савол: *Биз томонларда ўликни ювгач, иягини ва оёқларининг бош бармогини боғлашади, шу тўғрими?*

Жавоб: Нотўғри. Тўғриси эса бундай: киши ўлгач, кўриниши хунук бўлмаслиги учун, энли мато билан жағининг остидан бошининг устига қаратиб боғланади, кўзлари ёпилади. Қўлларини узатиб, бармоқлари ёзилади. Оёқларини тўғри узатилади. Бу ишни марҳум оиласидан энг раҳмдил киши ўта мулоимлик билан бажаради (“*Жавҳаратун наййира*”). Ювилганидан сўнг бунга эҳтиёж йўқлиги боис боғланмайди.





Савол: Қабристонларда ўсган дарахтлар мевасини еса бўладими?

Жавоб: Бу борада уламоларимиз бундай дейишган: “Агар у дарахтларни ушбу жой қабристонга айлантирилишидан олдин кимдир эккан бўлса, меваси ўша одамга тегишли бўлади ва унинг рухсатисиз меваларни еб бўлмайди. Қабристонга айлантирилган ерга экилган дарахтлар меваси сотиб, пули ушбу ҳудудни ободонлаштириш учун ишлатилади. Бу меваларни ейиш камбағалларга жоиз, бойларга эса макруҳ ҳисобланади”.



Савол: Эркаклар узук, умуман, тақинчоқ тақишлари мумкинми?

Жавоб: Тилладан ясалган узуклар эркакларга ҳаром қилинган (“Ҳидоя”). Бу хусусда Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Ипак ва олтин умматининг эркакларига ҳаром, аёлларига ҳалол қилинган”, деганлар (*Имом Термизий ривояти*).

Кумуш узукни эркаклар ҳам, аёллар ҳам тақиши мумкин. Фақат эркаклар тақадиган узук аёлларникига ўхшаш бўлмаслиги керак. Темир, мис, кўрғошин ва бронзадан тайёрланган узук тақиш эркакларга ҳам, аёлларга ҳам макруҳдир (“*Ихтиёр*”).

Узукнинг юзига Аллоҳ, пайғамбар ёки ўз исми ёзилган бўлса, ҳожатхонага кирганида уни беркитиши лозим бўлади. Агар бундай узукни чап қўлига таққан бўлса, мустаҳаб қилиш олдидан ечиб қўйиши керак.

Бундан бошқа тақинчоқлар аёлларга хос бўлгани боис, уларни тақиш аёлларга тақлид қилиш, уларга ўзини ўхшатиш ҳисобланади. Ўзини аёлларга ўхшатган эркакларни ва ўзини эркакларга ўхшатган аёлларни Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) лаънатлаганлар.

ҲАЛОКАТЛИ ИЛЛАТЛАРДАН САҚЛАНИНГ

Бугунги кунда рост сўзламаслик, ваъдага вафосизлик каби иллатлар кўпайиб бораётгани бор гап. Айримлар (хатто катта ёшдагилар) ўзаро мулоқотда ўз манфаатлари учун суҳбатдошини асоссиз гаплар билан ишонтиришга ҳаракат қилади.

Ростгўйлик бор жойда ҳалоллик, покизалик қарор топади. Бу ҳақда ҳадисда бундай дейилади: “Рост сўз яхшилиққа етаклайди. Яхшилиқ жаннатга етаклайди. Киши рост сўзлаб юрса, у Аллоҳ ҳузурида ростгўй (сиддик) деб ёзилади. Ёлғон ёмонликка етаклайди, доимо киши ёлғон гапириб юриши билан Аллоҳ таоло ҳузурида ёлғончи (каззоб) деб ёзилади” (*Муттафақун алайҳ*).

Ёлғон гувоҳлик бериш ҳам энг ёмон иллатлардан биридир. У сабабли кишилар ўртасида низо пайдо бўлади.

Ёмон иллатлардан яна бири чақимчиликдир. Бу иллат боис кишилар ўртасида муносабат бузилади. У одамларнинг гапларини (уларнинг муносабатини бузиш ниятида) кўшиб-чатиб бир-бирларига етказди, ўртада меҳроқибат емирилишига сабаб бўлади.

Агар ота-она фарзандларига бирор нарсани ваъда қилишса, уни албатта бажаришлари лозим. Бирор сабаб билан ваъда қилинган нарсани бажариш имкони бўлмай қолса, болага тўғриси айтиб, келаси гал бажаришини тушунтирса, фарзандлар бунга тўғри қабул қилишади. Бундай самимият оила аъзолари ўртасида доимо тўғрисиўзликни таъминлаб туриш имконини беради. Акс ҳолда, бола бир марта алдандими, у катталарнинг гапларига ишонмай кўяди. Бу эса ўз-ўзидан оилага, жамиятга ҳам салбий таъсир этиши турган гап.

Бошингга қилич келса ҳам ёлғон гапирма, дейди доноларимиз. Шундай экан, ўсиб келаётган ёш авлодга доимо тўғрисиўзликни ўргатиб, яхшилиқнинг фазлини, ёмонликнинг оғир оқибатларини тушунтириш керак. То улар ёлғончиликдан узоқ бўлсинлар.

Очил МУРОДИЛЛАЕВ,
Муборак тумани бош имом-хатиби



Абу Хурайрадан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: **Расулуллоҳ** (у лотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): «Одам боласининг ҳамма амали бир неча баробар оширилади: битта яхшилик ўн баробаридан етти юз баробаригача оширилади. Аллоҳ таоло: “Рўза ундай эмас. Рўза Мен учундир. Ўзим унинг мукофотини бераман. Зеро, Одам боласи шаҳвати ва овқатини Мен учун тарк этади”, деб марҳамат қилган. Рўзадор учун икки қувонч бор: ифтор қилганидаги бир қувончи, Парвардигорига йўлиққанида бир қувонч. Рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳ таоло учун мушкнинг ҳидидан ҳам ёқимлироқдир», дедилар.

РЎЗАДОРНИНГ ИККИ ҚУВОНЧИ

Бошқа ривоятда бундай марҳамат қилинади: «Рўза пардадир. Бирортангиз рўза тутса, ёмон гапирмасин ва бакириб-чақирмасин. Бирор киши уни сўкса ёки уришса, “Мен рўзадорман!” десин».

Шарҳ: Аллоҳ таоло ҳар бир яхши амалга камида ўн баробаридан етти юз баробаригача савоб ато этиши Қуръони карим оятларида ҳам таъкидланган: “**Кимки (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур)...**” (Анъом, 160).

“Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдик, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб (савоб) беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдондир” (Бақара, 261).

Ҳадисда рўзанинг савоби бошқа яхши амаллар савобидан улуғ экани баён этилмоқда. Зеро, унга бериладиган ажрнинг чеки йўқ. Уни Аллоҳ таоло Ўзи билади.

Баъзи ривоятларда рўза дўзахдан парда, тўсиқдир, деб келган. Бошқа ривоятларда “Рўза сизнинг урушдаги қалқонингиз каби, дўзахдан (тўсадиган) қалқонингиздир”, “Рўза, дўзахдан (тўсувчи) қалқон ва мустаҳкам қалъадир” мазмунида келган. Яна бирисида эса, “Рўза, ғийбат билан тешилмаса, кишига қалқон, мустаҳкам зирх (каби)дир”, дейилган.

Ибн Асир ҳадис шарҳида бундай дейди: “Рўза эгасини азият келтирувчи шаҳватлардан сақлайди. Рўзадор одамда нафсини ёмонликка етакловчи шаҳватлар кесилади”.

Ибн Арабий айтади: “Рўза дўзахдан пардадир. Чунки рўзадор киши шаҳватлардан ўзини тияди. Дўзах эса шаҳват билан ўралган. Хуллас, мўмин дунёда ўзини шаҳватлардан тийса, охиратда ўзи учун парда бўлади”.

“Рўзадор учун икки қувонч бор: ифтор қилганида бир

қувонч...” Рўзадор мўмин атрофида барча жонга роҳат берувчи неъматлар муҳайё тургани ҳолда, Парвардигори буюргани учун куннинг ҳароратига, очлик ва чанқокликка сабрматонат билан чидайди. Бу билан Парвардигор розилигига эришади. Ифторга етгач, бугунги имтиҳондан муваффақиятли ўтказгани учун, баъзи йўлини йўқотганлардан эмас, балки Ўзининг хос бандалари қаторида ибодатига муваффақ айлагани учун ва ниҳоят дуо шаксиз қабул бўладиган соатларга етказгани учун Парвардигорга чексиз шукрлар қилади.

“...Парвардигорига йўлиққанида бир қувонч”. Охиратда рўзадорни алоҳида мукофот кутади. Аллоҳ таолонинг Ўзидан мукофот олади. Жаннатга “Райён” деб аталган хос эшикдан киради.

“Рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳ таоло учун мушкнинг ҳидидан ҳам ёқимлироқдир”.

ЛОЙ ТЕККАН ДЕВОР

Баъзилар буни “Аллоҳ таоло рўзадорга шундай мукофот беради, унинг баракотидан оғзининг ҳиди мушкнинг хидидан хушбўй бўлиб қолади”, тарзида шархлаганлар.

Шуни алоҳида қайд этиш керак, баъзи табиблар бу ҳидни соғлик белгиси сифатида яхшиликка йўядилар. Уларнинг фикрича, танадаги ортиқча моддалар, заифлашиб қолган хужайралар ва зарарли бирикмаларни тана “ёқиб юборади”. Бурунга ёқмайдиган бу ҳид, рақ сингари турли касалликларга сабаб бўладиган зарарли моддаларнинг таъбир жозиб бўлса, “ёқилишидан” ҳосил бўлган “тутун” ҳидидир. Уларнинг рўза боис танадан йўқотилиши соғлик учун ўта фойдалидир.

Баъзилар: “Рўза Мен учундир...” муборак жумласи “Менга энг суюкли, наздимда энг мўътабар ибодат”, маъносидадир, деганлар.

Баъзилар: “Банданинг рўзадан ташқари барча ибодатлари қиёматда зиммасидаги бошқа банданинг ҳақини ўташ учун берилиши мумкин. Аммо тутган рўзасига тегилмайди, бандани ўша (рўзаси) билан жаннатга киритади”, дейишган.

Раҳмат ёмғири мавсуми – Рамазони шариф ойидамиз. Фурсат борида бу ой баракотидан ўз насибамизни олишни унутмайлик!

Манбалар асосида
СОДИҚ НОСИР
тайёрлади.

Боязид Бастомий ёмғирли ҳавода жума намозига бориш учун уйдан чиқди. Шаррос қуяётган ёмғирдан тупроқ йўл лой бўлиб кетган эди. Бир уйнинг девори остида паналаб, ёмғир пасайишини кута бошлади. Сўнг лойли пойабзалини деворга суртиб тозалади. Ёмғир секинлашгач, масжид сари юрди. Кетаётиб, бировнинг деворини кир қилгани хаёлига келди-да, юришдан таққа тўхтади. “Ховли эгасидан узр, рози-ризолик сўрамай туриб, қандай қилиб жума намозини ўқийсан? Бировнинг деворини лойга белаб, Аллоҳнинг хузурида қандай турасан?!” – дея ўз-ўзини сўроқ қиларкан, ортига қайтди ва эшикни қокди. Уни қаршилаган мажусий:

– Келинг, хизмат? – деди.

– Сиздан узр сўрашга келдим...

– Мен сизни танимайман, нима учун узр сўрайсиз? – деди уй эгаси.

– Ҳозиргина лойга беланган оёқ кийимимни деворингизга суртиб, тозалаган эдим. Аслида, бу жудаям нотўғри иш. Девор кир бўлди. Ёмғирнинг шиддатидан нима қилаётганимни билмай қолибман...

Ҳайратга тушган мажусий:

– Ҳечқиси йўқ. Шундоқ ҳам деворларимиз лой ичида қолган. Оёгингиздан теккан озгина лой унга ҳеч қандай зарар бермайди, – деди.

Боязид Бастомий:

Балки, аммо бу ерда кул ҳақи бор. Қилган ҳаракатим учун эгасидан ризолик сўрашим лозим эди. Шунинг учун эшигингизга келдим, – деди.

Мажусий:

– Бу қадар ҳақ-ҳуқуқ ва адолатни сизга ким ўргатган? – дея сўради.

– Динимиз ҳамда Муҳаммад пайғамбаримиз (у лотга Аллоҳнинг сазоми бўлсан) ўргатганлар, – дея жавоб берди Бастомий.

Шунда мажусий:

– Шундай адолатли дин бор экан, у ҳолда биз нега уни қабул қилмайлик? – деганча калима келтириб, мусулмон бўлди.

“Ибрат денгизи” китобидан
Гулбахор АБДУЛЛОҲ
таржимаси



Нафсини тийганнинг толеи баланд...

ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИ

Эй қадимий юртим, кўрсат бўй бугун,
Кўнгилни оч, ғам-ғуссани кўй бугун,
Шеър байрами, куй байрами, тўй бугун,
Элим санъат диёридир азалий,
Янгра, мавжлан, Огаҳийнинг ғазали!

Назми ила обод ишқнинг гулзори,
Ҳар байтидир ошиқларнинг тумори,
Эй хонанда, қани, бошла “Сувора”,
Қўшиқ тинглаб, хуморимиз ёзали,
Янгра, мавжлан, Огаҳийнинг ғазали!

Эрк куёши балқди нурга зор элда,
Яхши ният, ҳиммат дилга ёр элда,
Шоир азиз, чин мухлислар бор элда,
Назму наво базмин бу дам дузали,
Янгра, мавжлан, Огаҳийнинг ғазали!

Ўтди йиллар, мазлум, дилхун Хоразм,
Эрк шамоли эсди бугун, Хоразм,
Келди замон, яшна гулгун, Хоразм,
Юринг, Қиёт боғларини газали,
Янгра, мавжлан, Огаҳийнинг ғазали!

Мироб шоир сўрар: Жайхун, ҳол қалай?
Тўлиб тошиб, тўлқин отсанг не бўлғай?
Фозилнинг боғида гуллар очилғай,
Орол тошса, балик бўлиб сузали,
Янгра, мавжлан, Огаҳийнинг ғазали!

КЕКСАЛАР

Тўғри йўлнинг чароғбони кексалар,
Насиҳат ганжининг кони кексалар.
Омон бўлсин ҳумо кўнган бошлари.
Қутлуғ хонадоннинг хони кексалар.

ТАНБЕҲ

Чалғитиб, кўзларни алдар, сеҳрга ишонма,
Меҳр ўрни – дил, тилдаги меҳрга ишонма.
Очиб идрок кўзини, ботинга назар қилгин,
Кўрку сурат алдар сени, зоҳирга ишонма.

УДУМ

Етим-есирни доим ҳимоя қил,
Меҳр-шафқатни бошида соя қил.

Бу бобда янгилик кашфи шарт эмас,
Миллатинг удумига риоя қил.

МАРҲАБО, МЕҲМОН

Эшик қоқилди дард захми ошган он,
Чақирдим, ким бўлса ҳам келсин дебон.
Гар ўлим элчиси – Даргоҳдан, меҳмон,
Жонни дариф тутсам, мен нечук мезбон?

ЭЪТИРОФ

Меҳмонда узок туриб, қарзим талай,
Узишга муҳлат берилди ҳарқалай.
Уйга қайтар вақт яқин, зоди роҳ оз,
Тўғриси, йўлга ҳали эмасман шай...

УЙҒОҚ ҚАЛБ ЖАВОБИ

Сўрдим: Эй, қалб, нур олдинг қай офтобдан?
Деди: Бу шуъла зиёбахш Китобдан.
– Мен ғафлатда, айт, сени ким уйғотди?
– Уйғондик ҳақ Китоб қилган хитобдан.

АЧЧИҚ БЎЛСА ҲАМ...

Айбу хатони юзга айтмоқ лозим,
Аччиқ бўлса ҳам у шифо азим.
Танқидки, талх, нордон мевага ўхшар,
Бу мева – дафъи иллат, қила бил ҳазм.

ДАРД – УСТОЗ

Эй дил, рози бўлгин берган дардидан,
Берди сабоқ одамийлик дарсидан.
Дард – устоз, шукру сабрга ўргатиб,
Поклади қалбни занг-ғубор гардидан.

“ЮК”

Бўйинга минмақдир гўдақлар иши,
Муқаррар сўнг ўзи юриб кетиши.
Бўйиндан тушмаса каттайганда ҳам,
Бу “юк”ни тортишга ожиздир киши.

КИБР

Агар ким беайбликни қилса даъво,
Демак, унда ғолибдир кибру ҳаво.
Бу шайтоний феълин қилмаса ислоҳ,
Ўзига у зулмни кўрмишдир раво.

ТУГУН

Кеча уришганлар ярашди бугун,
Дўстликнинг узилган риштаси бутун.
Аммо аввалгига ўхшамас ришта,
Уланган жойида қолди бир тугун...

Урганч

Омонуллоҳ МУТАЛ**ХИКМАТЛИ ДУНЁ**

Ақлдан озми-кўп барчага берган,
Ўзгага насиҳат қилмай қўяқол.
Ҳаётда ким ўғит, ким ўтин терган,
Яхшиси, улардан ўзинг ўрнак ол.

Самарасиз кетмайди ҳар бир ҳаракат,
Ҳикматсиз бўлмайди қилинган ҳар иш.
Қайда бўлсин кузги унум, баракот
Қаҳратон бўлмаса, қорсиз ўтса киш.

ТОШ ХҲРСИНДИ

Тик чўққидан учган қора тош,
Қояларга келиб урилди.
Гўё пўла бўлди ожиз бош,
Пастликларда аста сурилди.

Гўзал ҳолат – бағри кенг замин
Оналардек қаршилаб олди.
Тош хўрсинди, сийнага етган
Гўдак каби жим бўлиб қолди.

**РИЗҚИНГ БЎЛСИН БУС-БУТУН**

Хирмонингга сиғмасин дон-дун,
Тегирмонинг тинмай тортсин ун,
Аримасин мўрингдан тутун,
Элим, ризқинг бўлсин бус-бутун.

Супранг қозик кўрмасин, ҳар он
Эшик очик, тўкин дастурхон.
Узилмасин уйингдан меҳмон,
Элим, ризқинг бўлсин бус-бутун.

Бойлигингга кўз тиккан талай,
Қўйиб берсанг кетарлар талай,
Боринг олиб, этарлар малай,
Элим, ризқинг бўлсин бус-бутун.

Бошдан ўтди не оғир тунлар,
Дала-даштда кезди кузғунлар,
Ортда қолди машъум ул кунлар,
Элим, ризқинг бўлсин бус-бутун.

Ўтган кунинг унутма бир дам,
Кўлни кўлга бериб қўй қадам,
Ахил юртни қўллагай Эгам,
Элим, ризқинг бўлсин бус-бутун.

ТУЮҚЛАР

* * *

Қалбингни эзгулик ишларга унда,
Ёмонликдан асар қолмасин унда.
Буғдой бўл офтоб нурлари чайган,
Беғубор оклигинг акс этсин унда.

* * *

Сиҳат тилар бўлсанг югур эрталаб,
Даққи эшитмасдан ёпгин эрта лаб.
Оила мустаҳкам бўлмоғи учун,
Ўзидан ҳам тартиб этсин эр талаб.

* * *

Тушмасин десанг гар аҳволим танга,
Енгил, қинғир йўлда топмагин танга.
Меҳнатинг маҳсули миннатсиз бўлар,
Бировдан олганинг сингмагай танга.

* * *

Вафодор ёрингга бор-будингни тик,
Уялиб қизарар, унга боқма тик.
Вақти келиб юзинг куйдирса офтоб,
Соя солар ёринг, қаддин тутиб тик.

* * *

Текислаб юр йўлинг, бўлмасин ўра,
Гап-сўзингни қанд қил, меҳрга ўра.
Чирмовик босмасин боғда гулларинг,
Чарчама бегона ўтларни ўра.

ТҲРТЛИКЛАР

* * *

Нафсини тийганнинг толеи баланд,
Ҳаловат топади, эрки бўлмас банд.
Сабру қаноатнинг меваси ширин,
Гўраси ғарқ пишиб, бўлар асал-қанд.

* * *

Йиқитганмас, тиклаганни дерлар алп,
Эъзоз топар эзгуликда урган қалб.
Топай десанг эл ичида эътибор
Ёмон гапни айтмоққа ҳеч очма лаб.

* * *

Қаноти йўк, аммо учар одам боласи,
Шукр қилмас, кези келса тинмас ноласи.
Ўзгаларга иззат-икром мавкега қараб,
Ночор бўлса, бегонадир амма, холаси.

* * *

Овора бўлмагин ясатиб қафас,
Булбул боқаман деб қилмагин ҳавас.
Қушчага раҳм қил, сайрашдан қолар
Тутқунликда олса бир марта нафас.

Тошкент



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Спортга қизиқиш



Дунёда баскетбол ўйинига қизиқиш тобора кучайиб бормокда. Айниқса, Американинг деярли барча масжидлари ёнида баскетбол майдончалари бор. Ишқибозлардан бири

Мусъаб Абдуалим бундай дейди: “Маҳаллий мусулмонлар бу ўйин билан мунтазам шуғулланишади. Ўйин туфайли улар бир-бирлари билан яқин, ака-укадек бўлиб кетишган. Машҳур спортчилар орасида ҳам мусулмонлар талайгина. Хусусан, машҳур “НБА” жамоаси етакчиларидан Карим Абдулжаббор ва Ҳаким Олаживон ўйини бизга ишонч ва илҳом бахш этади”.

Масжид юз ёшда

Севастопол шаҳрида илк масжид қурилганига юз йил тўлиши муносабати билан халқаро анжуман ўтказилди. Тантанада турли мамлакатлардан келган олим, диний арбоб, иқтисодчи, банкчилар ва бошқа дин вакиллари ҳам иштирок этишди. Анжуманинг биринчи кунини “Севастополда динлар аро уйғунлик” мавзуида кўргазма бўлиб ўтди. Иккинчи кунини Оврупа ва Ўрта Осиёда банк тизимини такомиллаштириш ва ўзаро ҳамкорлик бўйича йиғилиш ўтказилди.



Учинчи кунини эса Севастопол мусулмонлари маданият марказининг очилиш маросими бўлди. Унда иштирокчилар кейинчалик бу ерда халқаро маданият университети барпо этиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлашди. Қатнашчилар жанубий соҳил бўйи масжидларини ҳам зиёрат қилишди.

Кийиниш одоби

“Gulf News” газетаси ёзишича, Бирлашган Араб Амирликларида мамлакатга кировчилар учун кийиниш маданияти қонуни ишлаб чиқилди. Сайёҳлар, чет элдан келган ишчи ва талабалар жуда очиқ ва тор кийиниши бу ҳол ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани шундай қонун чиқарилишига сабаб бўлди. “Хоҳ эркак, хоҳ аёл киши бўлсин, шу мамлакатда қанча муддат яшашларидан қатъи назар, унинг миллий урф-одатларини ва диний кадрларини ҳурмат қилиши ҳамда ёшларга яхши намунада бўлишлари лозим”, дейди Дубай ҳокимияти вакили Ҳамад Аҳмад Раҳумий. Энди Бирлашган Амирликлари аэропортларидан киришда ҳар бир кишига кийиниш одоби баён этилган махсус қўлланма тарқатилади.



Рамазонда олимпиада

27 июлдан 12 августгача Лондонда олимпиада ўйинлари бўлади. Бу воқеа муборак Рамазон ойига тўғри келгани боис Ислам маданият маркази шаҳар масжидлари билан





ҳамкорликда спортчилар ва мухлислар учун ифторликлар уюштиришни режалаштирган. Машхур хоккейчи Даррен Чисмен бундай дейди: “Олимпиада билан бирга Рамазон

кунлари ҳам кенг нишонланадиган бўлди. Бу кунларда турли дин вакиллари меҳмон бўлиб, мусулмон маданияти билан яқиндан танишишади”. Икки ярим миллиондан ортиқ маҳаллий мусулмонлар Рамазонни шодхуррам кутиб олишди.

Саломатлик тиласанг

Мутахассислар чўчка гўшти еган инсонларнинг аста-секин турли касалликларга чалинаётганини аниқлашди. Шу боис Оврупа мамлакатлари кўпчилик ўқув юртларида унинг савдосини чеклашни маъқуллашапти. Олдин ҳам маҳаллий мусулмонларга ҳурмат юзасидан баъзи ўқув даргоҳларининг ошхоналарида чўчка гўшти сотишмаётган эди. Энди эса олимлар унинг зарарли таъсирларини аниқлашгач, бу кўрсаткич янада ортди. Хусусан, Нью-Йорк шаҳридаги барча, Тауэр Хэмлетсда эса тўқсонгадан саксон бешта ўқув даргоҳида чўчка гўшtidан тайёрланган маҳсулотлар сотилмаяпти.



Қуръони карим кўрғазмаси



Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан 20 июл куни Эрон Ислам Республикаси миллий кутубхонасида Қуръони каримнинг қўлёзма нусхалари кўрғазмаси бўлиб ўтди. Анжуманда кутубхона билан ўзаро алоқада бўлган уюшма ва кутубхоналарнинг ҳамда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти вакиллари қатнашишди. Кўрғазмада Қуръони

каримнинг турли ҳажмда гўзал санъат услубларида кўчирилган нодир қўлёзма нусхалари намойиш этилди.

Гиёҳвандликка қарши кураш

Малайзиядаги “Роҳман” жоме масжиди ёнида гиёҳвандликни даволаш шифохонаси иш бошлади. Бундай касалхона очилишида Куала Лумпур университети қошидаги ушбу иллатга мойилликни ўрганувчи марказ директори доктор Муҳаммад Ҳусайн Хабил ташаббус кўрсатди. Ҳозир мамлакатда уч юз эллик мингдан ортиқ даволанишга муҳтож касал бор.

Бемор даволаниш билан бир қаторда масжиддан таралаётган Қуръони карим тиловати, азон чақириғи ва имом мавъизаларидан руҳий баҳра олиб, ҳаёти ҳақида мулоҳаза юритади.



Боку Ислам университети



Боку Ислам университети (Озарбайжон) 2009 йили иш бошлаган. Унда мамлакатнинг энг кучли мутахассислари дарс беришади. Шунингдек, хориждан ҳам профессор-ўқитувчилар таклиф қилинган. Шу вақтгача олий ўқув даргоҳини икки минг икки юз ўттиз беш нафар талаба битирди. Университетнинг исломшунослик ва шариат факултетларида “Шариат ва Ислам асослари”, “Умумий фанлар” ҳамда “Тиллар” кафедралари бор. Талабалар диний таълим билан бир қаторда дунёвий фанлардан ҳам сабоқ олишади.

Луврда Ислам бўлими

Франция пойтахти Париждаги Лувр музейида сентябр ойида Ислам санъати ва маданияти бўлими очилиши режаланган. Кўрғазма Луврнинг уч минг квадрат метрдан иборат Висконти залига жойлаштирилади.



Музейга илк бор исломий экспонатлар 1922 йили олиб келинган. Янги лойиҳа бўйича кўргазмага VII–XIX асрларга оид ноёб санъат намуналари киритилди. Луврда шу пайтгача

Ислом маданиятининг ўн олти мингдан ортиқ осори атиқаларидан атиги икки минг уч юзтаси кўргазмага қўйилган эди. Энди эса бой меросни тўлалигича намойиш этиш мумкин. Оммага қизиқарли ва тушунарли бўлиши учун янги майдон даврлар бўйича тўрт қисмга бўлинади. Ҳар бир экспонат остига қисқа сатрларда изоҳ берилади.

Уй кутубхонаси

Бирлашган Араб Амирликларининг “Knowledge Without Borders” халқаро ташкилоти вакиллари мамлакатдаги шахсий кутубхоналарнинг энг бой ва ажойибини аниқлаш



мақсадида танлов эълон қилди. Энг зўр уй кутубхонаси мусобақаси Шаржа матбуот маркази ва шаҳар амирлиги билан ҳамкорликда уюштириляпти. Бу беллашувни ўтказишдан мақсад мамлакат ёшларининг китобга муҳаббатларини ошириш, уй шароитидаги кутубхоналарни бойитиш ва уларни рағбатлантиришдир. Шаржа амирлик кенгаши аъзоси шайх Султон ибн Муҳаммад Қосимий тадбир ҳақида бундай деди: “Уй кутубхоналари жамият маданияти, илм савияси ва даражасини акс эттиради. Бу танлов 2014 йили шахримизни “Ислом маданияти пойтахти” унвонига етакловчи муҳим омилдир”.

Улкан жоме қурилади

Истанбул шаҳрининг Жамлижа туманида улкан жоме қурилиши режаланди. Масжидга ўн беш минг квадрат метр майдон ажратилиб, у шаҳарнинг хоҳлаган жойидан кўриниб турадиган бўлиши кўзда тутилган. Туркия бош вазири Ражаб Тоййиб

Эрдўғон айтишича, янги масжид ажойиб ва ўзига хос кўринишга эга бўлади. Ушбу мухташам мажмуа хонақоҳ, меҳмонхона, кутубхона ва мажлислар залларини ўз ичига олади. Қурилиш ишлари кузда бошланади. Ҳозирча Туркиядаги энг катта жоме Усмонлилар даврининг буюк меъмори Синон бунёд этган “Сулаймоний” масжидидир.

Етимлар бошини силаш




Покистон Ислом ташкилоти табиий офатлар натижасида жабрланганларни бошпана билан таъминлаш ва етим қолганларга ёрдам бериш дастури бўйича иш бош

лади. Уюшма раҳбари Хизмат Иззатуллоҳ OnIslam.net. порталига берган суҳбатда бундай деди: “Аллоҳ таоло бизга ота-онасиз қолган жабрдийдаларга ёрдам бериш имконини берди”. Ушбу хайрия дастури 2005–2011 йилларда юз берган зилзила ва тошқинлар боис бошпанасиз қолган болаларни боқиш, уй билан таъминлаш ва уларга таълим беришни кўзда тутди. Бу ишларга икки миллиард Покистон рупийи, яъни 22 миллион доллар сарфланади.

Қулай ва ишончли

Жанубий Африка Республикасида Ислом банки тизими хизматларидан фойдаланувчилар юз минг нафарга етди. “Ширкат катта, ўрта ёки кичик бўлишидан қатъи назар бу тизим



да ишлаш жуда қулай ва ишончлидир. Чунки айланмадаги пул дўкон очиш, маиший ускуналар ишлаб чиқариш каби барқарор соҳаларда қўлланилади. Мамлакат молия вазирлигининг биринчи навбатда Исломий қимматбаҳо қоғозларни сотувга чиқишини режалаштираётгани ҳам бежиз эмас”, дейди ABSA банки чакана савдо бўлими бошлиғи Арри Раутенбах.

Рамазон ойи ёзнинг энг иссиқ ва узун кунларига тўғри келди. Бу ҳол рўза тутишни бир оз қийинлаштиради-да, аслида, бу машаққатлар рўзадорга ўзгача шавқ беради.

МУБОРАК ОЙДАМИЗ

Абдурахмон ибн Афв ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилади: «Расулulloҳ ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Аллоҳ таоло сизларга Рамазон ойи рўзасини фарз қилди. Мен сизларга унинг кечаларида таровех намозини ўқишни суннат қилдим. Ким унинг рўзасини тутса ва таровехни ўқиса, гуноҳларидан онаси тукқан кундагидек фориғ бўлади”, деганлар» *(Имом Абу Довуд)*.

Инсонмиз. Билиб-билмай гуноҳ қилиб қўямиз. Аммо гуноҳининг кечирилишини истамаган бормикан? Рамазонда мўминнинг оладиган нафаси ҳам ибодат бўлиб турса, рўза тутиш баробарида сон-саноксиз гуноҳлардан покланиб, ҳаловатга эришиш қандай яхши! Рамазон ойи гуноҳлардан қутулиш учун ана шундай энг зўр имконият мавсумидир.

Рўза улуғ ибодат. Бир оз теранроқ фикрласак, унинг қанчалар буюк имкониятлар фасли эканини англашимиз мумкин. Рўзадор бир ой давомида куни билан ўзини еб-ичишдан тияди, нафсига қарши туради. Кун қанча узун ва ҳаво қанча иссиқ бўлмасин, ўзини назорат қилади, ҳеч ким кўрмайдиган жойларда ҳам ман қилинган нарсалардан сақланади. Жисми ва руҳини поклаб, нафсини тарбиялайди ва йил бўйи ҳаром нарсалардан тийилишга кўникма ҳосил қилади. Рўза тутган кишининг ўзига ишончи ортади, иродаси мустаҳкамланади, сабрбардоши қатъийлашади ва яна бошқа кўплаб фазилатларга эга бўлади.

Вақт тўхтаб турмайди. Мушток бўлганимиз Рамазоннинг соатлари тобора ортда қолаверади. Ғанимат лаҳзалардан орттирган яхши амалларимиз муҳим. Яхши кўрадиган жонимизни бир оз қийинчиликка қўйиб бўлса ҳам даражалар қозониладиган дақиқаларни қўлдан бой бермай, топганларимиз билан шодландиганлар қаторида бўлсак, умримиз зое бўлмайди. Ҳаракатларимиз эвазига муносиб самарага эга бўламиз.

Абу Ҳурайра ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади: «Расулulloҳ ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) дедилар: “У (Рамазон)нинг охири кечасида рўзадорларнинг гуноҳлари кечирилади”. Улар: “Эй Аллоҳнинг Расули, у Қадр кечасими?”, деб сўрашди. Расулulloҳ ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Йўқ, лекин ишчи ишини адо этганидан сўнг ажри – ҳақи тўла қилиб берилади”, дедилар *(Имом Аҳмад)*.

Бу муборак ой биз учун улуғ имконият, дедик. Билиб-билмай қилган гуноҳларимизни



мағфират қилишини Аллоҳ таолодан сўрашимиз учун фурсат, ажру мукофот! Бу англай олганларга қиёси йўқ неъмат ҳам. У фақат Рамазон ойи рўзасини имон билан савоб талабида тутувчи мўмин-мусулмонларгагина берилади.

Дунёда турли сабаблар туфайли очлик, ташналик азобини тортаётганлар кўп. Рамазонда қорни тўқлар ҳам ихтиёрий равишда уларнинг ҳолига тушишади. Киши қалбида уларнинг ҳолидан хабар олиш, меҳр-шафқат, раҳмат, ғамхўрлик туйғулари янаям кўпаяди.

Ҳаммамиз учун бу ой муборак кечсин. Оқибати хурсандчилик бўлган машаққатлар ҳеч кимни толдирмасин.

Зебунисо ХУСАЙН

Халкимизда: “Одам тафтини одам олади”, деган ажойиб нақл бор. Инсон зоти ширин гапга, ён-атрофидагиларининг меҳр-муҳаббатига доим ташна бўлади. Шу сабаб, гарчи қариндоши бўлмаса-да, яхши кишилар билан дўстлашади, улфат бўлади. Умрининг ажиб дамларини улар билан ўтказишга ҳаракат қилади.

Динимизда Аллоҳ учун дўстлашиш, ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлиш савобли амаллардан ҳисобланади.

- кимни яхши кўрса, ҳурмат қилса, унга билдириб қўйиш;
- тез-тез ҳады улашиб туриш;
- кишини яхши кўрган исми билан чақириш;
- саломни ёйиш;
- вақти-вақти билан зиёрат қилиш, хабар олиш.

Уламолар Аллоҳ таоло йўлида яхши кўришнинг шартлари сифатида қуйидагиларга амал қилишни тавсия этишган:

- насиҳат қилиш;

МУҲАББАТ ИМОНДАНДИР

Мўминларга меҳр-муҳаббатли бўлиш вожибдир. Бу ҳақда кўплаб ҳадислар бор: Абу Ҳурайрадан ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: “Расулulloҳ ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) айтдилар: Имон келтирмагунингизча жаннатга кирмайсизлар, ўзаро бир-бирларингизга муҳаббат қўймагунингизча имонли бўлмайсизлар. Сизларни, агар амал қилсангиз, ўзаро муҳаббат пайдо қиладиган ишга далолат қилайми? Саломни ораларингизда ёйинглар” *(Имом Муслим)*. Ҳадис шарҳида Имом Нававий фақат ўзаро меҳр-муҳаббат сабаб ҳолингиз яхшиланади, имонингиз комил бўлади, дейдилар.

Анасдан ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: “Набий ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)”: “Сизлардан бироргангиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунича мўмин бўлолмайди” *(Имом Бухорий)*, дедилар. Имом Нававий ҳадис шарҳида айтадилар: “Имон комил, тўлиқ бўлмайди. Фақат шу сифат бўлсагина, тўлиқ бўлиши мумкин. Бундан мурод тоат-ибодатларни ҳам биродарига раво кўриш, мубоҳ нарсаларни илинишдир”. Инсон ўзига керак бўлса-да, суйган нарсасини дўстига инъом қилиши юксак фазилат ҳисобланади.

Инсонларга муҳаббатли бўлишнинг энг яхши мукофоти Аллоҳ таоло севгисига сазовор бўлишдир.

Бу муҳаббат янада зиёда бўлиши учун қуйидагиларга амал қилган яхши:

– ўзига раво кўрганини яхши кўрганига ҳам раво кўриш;

- зиёратига бориб, ҳолини сўраб туриш;

– доимо ёрдам беришга шошилиш;

- обрўсини сақлаш;
- сирини фош этмаслик;

– яхшиликка чақириш;

– ёмонликлардан қайтариш;

– ғойибона ҳаққига дуо қилиш;

– адашса, тўғри йўл кўрсатиш.

Убода ибн Сомит ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) Расулulloҳдан ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ривоят қилади: «Аллоҳ та-

борака ва таоло айтади: “Менин

нинг йўлимда яхши кўришганларга муҳаббатим ҳақдир. Менин

нинг йўлимда ўзаро алоқаларини сақлаганларга муҳаббатим ҳақдир, менин

нинг йўлимда бир-бирларини зиёрат қиладиганларга муҳаббатим ҳақдир, менин


нинг йўлимда ўзаро саховат қиладиганларга муҳаббатим ҳақдир”».

Динимиз кўрсатмаларида фақат ва фақат инсонлар фойдаси кўзланади. Аҳиллик ва муҳаббат асосига бунёд этилган дўстлик ша-рофати билан мамлакатлар тинч-осойишта, инсонлар эса бахтиёр яшайдилар.

Фахриддин МАМАНОСИРОВ,

Имом Бухорий номидаги

Тошкент Ислам институти ўқитувчиси



ОДДИЙ КИЙИНИШ ҲАМ ИМОНДАН

Жаноб Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин) янги кийим кийсалар ёки алмаштирсалар: “Ё Раббим! Булар билан менинг кўринишимни чиройли қилдинг. Ўзингга ҳамд бўлсин! Энди хулқу одобимни ҳам, амалларимни ҳам шундай гўзал ва ёқимли қилгин!” деб дуо қилганлар.

Кийим инсоннинг моддий эҳтиёжларидан бири. У инсоннинг кайфияти, руҳиятини – ички олами, маънавиятини, қолаверса, қай даражада тарбияли эканини кўрсатади ва таъби, диди, феъли-табиати ҳақида тасаввур уйғотади. Покиза, айниқса, янги кийимлар кайфиятимизни кўтаради, кўнглимизни ёриштиради.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий (Аллоҳнинг раҳмати бўлсин): “Яхши суҳан жонга оройиш, яхши либос танга оройиш”, деганлар. Кийим кийишнинг дастлабки шартини унинг озода бўлишидир. Имомиддин Насимийнинг (Аллоҳнинг раҳмати бўлсин):

*“Муриднинг тирин сўрмоқ,
дейдилар, одат эмас,
Орифона бир назар қил,
қисватидин белгили”*,

байти кийимига қараб, инсоннинг мақомини билиш мумкинлигига ишора қилади. Қимматбаҳо кийимлар, дабада, ҳашамат, ялтир-юлтир ва ҳоказолар инсоннинг ақл-фаросат каби фазилатларини белгиламайди. Инсонга кийимига қараб баҳо берадиганлар маънавий қашшоқдирлар. Саодат асрида яшаганлар инсон кадр-қийматини унинг таквоси, яхши амаллари, имон-эътиқоди билан белгиланган.

Инсон ёмон хулқ, пасткашлик билан номини булғамаса,

ҳар қандай ораста кийим уни чиройли қилаверади ва жамолини очаверади. Кийим баҳоси ўзига муносиб, ранги очик ва инсон табиатини эн-

гиллаштирадиган, кўринишини салобатли қиладиган, шу билан бирга ҳар қандай дабадаликдан холи – содда бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро, Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин) кийимнинг ораста, бежирим бўлишини тарғиб қилганлар. Эркакларни ҳарир, шойи, парча каби ялтир-юлтир матолардан, тилла-кумуш матохлардан фойдаланишдан қайтарганлар.

Ҳашаматли, ялтирок, шунингдек, баданни сиқиб турадиган тор, ҳаддан ортиқ калта ёки юришга ҳалал бергудек жуда узун ҳамда бесўнақай тикилиши ёки очик-сочиклиги билан бировлар диққатини жалб қилувчи кийимлардан сақланиш керак. Ҳозир бозорларимизда сотилаётган, айниқса, “мода” деб тарғиб қилинаётган баъзи чет эл кийимларини гапирмай иложимиз йўқ. Бу кийимлар орқали адабсизлик, ҳаёсизлик тарғиб қилинаётганини кўраимиз.

Бугун йигитлар ҳам қизлардан қолишмаяпти. Уларга ҳам тор кийиниш урф бўлди. Кийим дегани аъзоларни ёпиш учун хизмат қилиши кераклиги унутилаётганини кўраимиз. “Ўтган кунлар” филмида Отабек кийган кийимлар – бошидаги дўппилардан тортиб, оёқ

кийимларигача барчаси ҳар бир ўзбек йигитига ярашади. Унинг виқору салобатини зиёда қиладди.

Мутахассислар фикрича, миллий кийимларимиз баданимизни ва саломатлигимизни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишга мослашган экан.

Манбаларда кийиниш ва саломатликка доир маслаҳатлар, тавсиялар берилган:

– кийимнинг ранги кишининг ёшига, кайфиятига, у ёки бу жамиятдаги тутган мақомига мос бўлиши керак. Қора, сарик ва қизил рангли либослардан сақланиш тавсия этилади;

– кийимнинг кенглиги ўртача бўлиши керак. Тор бўлмасин. Ниҳоятда тор кийимлар кон айланишининг бузилишига, тез чарчашга олиб келади. Натияжада баъзи касалликлар келиб чиқиши ҳам мумкин;

– кийимнинг ўлчамлари киши жисмига мос, эркин ҳаракатланишга имкон берадиган бўлсин. Жуда калта ёки кичик ва жуда узун бўлиши яхши эмас;

– кийимнинг миллий талабларга жавоб бериши ҳам жуда муҳим.

Зокиржон ШАРИФОВ,
Тошкент шаҳри
“Яккасарой” жоме
масжиди имом-хатиби

Рамазон ойи кириши билан балоғатга етган қиз ва аёллар тоза кунларида Аллоҳ розилиги учун рўза тутишади. Бироқ узрлилар – сафардагилар, оғир беморлар, ҳайз ва нифосли аёллар узрлари сабаб тута олмаган ҳар бир кунлик рўза ўрнига бир кундан қазосини тутиб беришади. Рамазон ойида касал бўлиб қолиб, рўза тутса касали кучайиши ёки тузалиши орқага сурилиш хавфи борлигини ишончли табиблар тасдиқлаган одам

ҳайз саҳарликка турилган куннинг пешин ё аср вақтида, ҳатто шомга (ифторга) бир-икки соат қолган пайтда юз берса ҳам, рўзани очиш лозим бўлади.

Қуйидаги ҳолларда рўза бузилмайди:

- рўза эканини унутиб еб-ичиш;
- кўзга сурма суриш;
- хижомат, яъни қон олдириш;
- томокка тутун, чанг, пашша, қулоққа сув кириши;

- оғизга келган балғам, тупукни ютиш;
- тишлар орасидаги саҳарликдан қолган нўхатдан кичик нарсани ютиш;
- Рўзани бузувчи нарсалар:
- ейиш, ичиш;
- жимо қилиш;
- оғиз тўлиб қусиш, қусганни меъдага қайтариш;
- ўз хоҳиши билан тутунни ютиш;
- тишлар орасидаги нўхатдан катта нарсани ютиш.

Бундай ҳолларда бузилган рўзанинг қазоси тутиб берилади.

Саҳарликка туриб, еб-ичиш суннатдир. Зеро, Расули акрам (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Саҳарликка турунгиш, саҳарликда

барака бор” (*Имом Бухорий*), дея марҳамат қилганлар. Ифторликка шошилиш, оғизни ўз вақтида очиш ҳам суннат амаллардандир. Сарвари коинот (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бундай дейдилар: “Уч нарса анбиё ахлокидандир: ифторга шошилиш, саҳарликни охириги вақтигача чўзиш, намозда ўнг қўлни чап қўл устига қўйиш” (*Ибн Ҳиббон*).

Рамазон ҳайитининг биринчи куни, Қурбон ҳайитининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи кунлари, жума кунлари нафл (ихтиёрий) рўза тутиш ҳаромдир.

Рўза савобини фиску фасод гаплар ва ғийбат қилиш билан йўққа чиқариш мумкин. Ғийбат қилиш, айниқса, аёлларимиз ўртасида кўп учрайди. Тил ўрганиб қолган, тийилиши ҳам қийин. Аммо жону танни поклаш мавсумида неъматдан маҳрум қолиш энг катта йўқотиш бўлади. Минг машаққат билан тутилган рўза фақат машаққатлигича қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, азиз аёллар, рўза тутиш билан ўзимизни ҳам тутайлик!



ҳам кейин тутиб беради. Уламоларимиз худди шу тоифага ҳомиладор ва эмизикли аёлларни ҳам кўшишган. Сурункали беморлар, рўза тутолмайдиган даражадаги қари кишилар фидя беришлари лозим. Рамазон ойида сафарга чиққан одам агар қийналмаса, рўзани сафарда тутса ҳам бўлаверади.

Рўзасини қасддан бузган киши, бир кун қазо, олтмиш кун жазо (каффорат) сифатида кетма-кет рўза тутади. Олтмиш кун кетма-кет рўза тутолмаган кишилар олтмиш фақирни тўйдиришади ёхуд ҳар фақирга икки кило буғдой ёки унинг қиймати миқдоридаги пул беришади.

Рамазон ойида рўза тутган қизлар, аёллардан ҳайз келса, рўзаларини очишади. Ҳайз келиши тугаб, гусл олингач, рўза тутишда давом этишади. Ойбоши ҳоллари ушбу ойда тўхтаса, дарҳол рўза тутишда давом этишади. Ҳайз келиши тонг отгандан олдин тўхтаса, ўша куни ният қилиб тутилади. Тонг отганидан кейин ҳайз келса, ўша куни еб-ичади. Бу

ҚОЗОНЧИ АВЛИЁ

Сизга маълум, “Ўтган кунлар” романи қахрамони, тошкентлик Юсуфбек ҳожининг ўгли Отабек Авлиёота шахри остонасидаги жангларида ҳалок бўлади. Аҳмад Яссавий зиёратгоҳида Амир Темури ясаганди қирқ қулоқли улкан қозон бор. Унинг довриги дунёга кетган, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларида қозонни табаррук ёдгорлик деб билишади.

Хўш, Авлиёота шахри билан қирқ қулоқли қозоннинг бир-бирига қандай алоқаси бор? Юзаки қаралса, уларни боғлаб турадиган ҳеч қандай восита йўқдек. Лекин “Қозончи авлиё” номини олган Абдулазиз Қашқарий ҳақида билган одам калаванинг учини осон топиб олади.

Замонасининг машҳур устаси Абдулазиз Қашқарий XIV аср ўргалари ва XV аср бошларида яшаб ўтган. Қашқарда туғилган, кейинчалик оила аъзолари билан ҳозирги Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидаги Сузоқ (аслида “Сузуқ ота”) қишлоғига кўчиб келиб, шу ерда яшаб қолган.

Ҳарбий юришларнинг бирида Амир Темури Сайрамда тўхтади. Бир қанча уста, ҳунарманд ва олимларни йиғиб: “Сизими катта, лекин

бесўнақай бўлмаган қозон яшаш керак. Унда пиширилган овқат тўрт минг кишига етадиган бўлсин”, деб топшириқ беради. Шундан кейин бўлажак қозон устида кўп олимлар бош қотиришади. Абдулазиз Қашқарий ҳам чизма-режа ишлаб чиқади. Унинг лойиҳаси Амир Темурига маъқул келиб, иш бошлашга изн беради. Орадан кунлар ўтиб, диаметри икки метру қирқ беш сантиметр, оғирлиги бир ярим тонна келадиган катта қозон тайёр бўлади. Унга олтмиш челақ сув сиғар, баландлиги ҳам ўртача эди. Қозон етти хил маъдандан – пўлат, темир, кўрғошин, кумуш, олтин, мис ва рух аралашмасидан куйилади. Ҳажми катта бўлишига қарамай, овқат пиширишга кам ўтин сарфланарди. Мана шу нодир

қозонни ясагани учун Абдулазиз Қашқарийни “Қозончи уста авлиё” деб атай бошлашади.

Амир Темури шарофати билан дунё юзини кўрган ушбу тарихий дошқозон ҳам собик иттифоқ даврида турли синовларни бошидан кечирди. Эллик тўрт йил мобайнида Санкт Петербург “Эрмитаж”ида сақланди. Ҳозир эса Хўжа Аҳмад Яссавий зиёратгоҳидан жой олиб, дунёнинг турли бурчакларидан келаётган зиёратчилар, сайёҳларга беминнат хизмат қилмоқда. Ушбу дошқозонга сув ва қанд солиб қайнатилиб, меҳмонларга тарқатиб турилади.

Умрини ҳалол меҳнат, гўзал хунари билан одамларга яхшилик қилиб ўтказган Абдулазиз Қашқарий ўзи яшаган Сузоқ қишлоғидаги “Қора буру” қабристонига дафн этилган.

Вақтлар ўтиб, машҳур қозончи устанинг номи иссиқ йўқолиб кетмади. Бутун бошли шаҳар ва вилоят Абдулазиз Қашқарий шарафига “Авлиёота” деб аталди. Гарчи собик совет даврида бу вилоят “Жамбул Жабаев” деб номланган бўлса-да, тарихий ҳақиқат барибир қарор топди. Худудга яна “Авлиёота” номи қайтарилди.

Нажот НИЁЗОВ



“Мулоқот” журналининг бундан бир неча йил олдин чиққан бир сони қўлимга тушиб қолди. Унда Севара Пўлатованинг “Му- сулмонлар – тинчлик элчилари” мақоласи диққатимни торт- ди. Яхши ёзилган. Яқин тарихимизнинг бизга унчалик маълум бўлмаган саҳифалари, хусусан, Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар берил- ган. Ўша мақоладан бир неча кўчирма:

“1942 йил... Тошкентда Эшон Бобохон ва у киши- нинг фарзанди Зиёвуддин- хон ибн Эшон Бобохон, илм аҳллари – Мулла Содик Дом- ла, Абдураззоқ Эшон ва бошқалардан иборат қўмита тузилди. Ташкилий қўмита раиси этиб 83 ёшли Эшон Бобохон, котиб этиб 35 ёшли Зиёвуддинхон ибн Эшон Бо- бохон тайинланди. Шундан сўнг 1943 йилнинг октябрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон му- сулмонларининг 1-қурултойи бўлиб ўтди. Унда... диний на- зорат раиси – муфтий лавози- миغا Эшон Бобохон ибн Аб- дулмажидхон, Ўзбекистон қозиси этиб Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон сайлан- дилар”.

“1944 йили СССР мусул- монларининг Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошлик вакиллари биринчи маротаба Саудия Арабистонига ҳаж са- фарига жўнадилар. 1945 йи- ли мамлакатимиз мусулмон- ларининг бошқа бир гуруҳи Саудия Арабистонида яна ҳаж сафарида бўлдилар. 1946



МУРОДХЎЖА СОЛИҲИЙ КИМ БЎЛГАН?



йилги ҳаж сафарига Зиёвуд- динхон раҳбарлик қилди”.

Бу кўчирмада икки ҳур- матли зот номлари қайта- қайта эсланган. Менда бир савол туғилди: “Хўш, улар бошлаган бу олижаноб ишда яна кимлар иштирок этган?” Маълум бўлишича, 1943 йи- ли қўмита раисининг муови- ни этиб сайланган, 1945 йил- ги ҳаж сафарига Эшон Бобо- хон билан бирга раҳбарлик қилган шайх Муродхўжа Солиҳий ҳам динимиз йўлида катта хизматлар қилган. Ни- ма учундир мақолада у ки-

шининг исмлари келтирил- маган. Ҳолбуки, диния назо- рати ташкил этилишига доир архив ҳужжатларида у киши- нинг исмлари қайд этилади.

Муродхўжа Солиҳий дав- рининг етук олим киши- си, мохир ташкилотчи эди. Бу зотнинг невараси тарих фанлари доктори, профес- сор Темир Ғиёсов маълум қилишича, домла 1870 йи- ли Тошкентда туғилган, Бу- хоро мадрасаларида таҳсил олган, Тошкент мадрасала- рида мударрислик қилган. Араб, турк, форс тиллари-





ЎХШАШИ ЙЎҚ ВА ЎЗГАРМАС



ни, Ислом тарихи, калом ва фикҳ илмини чуқур эгаллаган. 1917 йил бошида Тошкентда ўтказилган мусулмон ўқитувчилари курултойида янги таъсис этилган кенгаш раиси этиб сайланади. Саъдий Шерозийнинг “Тулистон” асарини ўзбек тилига ўгирган ва 1904 йили “Шавқи Гулистон” номи билан нашр эттирган. Мутахассислар бу нусхани энг тўқис таржима деб топишган. Шайх Муродхўжа Солихий ташаббуси билан ҳижрий таквим чоп этилган. У киши диний идора журналини чиқаришда ҳам иштирок этади.

Муҳтарам шайхнинг неваралари профессор Зумрадхон Тожиева оиласида у зотнинг диний идора ташкил этилишига доир ноёб фотоалбоми сақланади.

Муродхўжа Солихий 1951 йили кексалиги туфайли нафақага чиқиб, 1953 йили вафот этади ва Қорасув мавзеидаги Жўрабек қабристонига дафн қилинади.

Динимизни мураккаб шароитларда авайлаб, сақлаб қолган бундай ўнлаб, юзлаб солиҳ аждодларимизни эслаш, ҳақларига дуолар қилиш авлодлар елкасидаги бурч эканини доим ёдда тутайлик.

Анвар ТОЖИЕВ,
фахрий журналист

Жиноятларни аниқлашда самарали бир усул бор – бармоқ изларини солиштириш. Бугун бармоқ излари шахсни тасдиқловчи ишончли ҳужжатдир.

Ҳеч бир инсоннинг бармоқ излари бошқасиникига ўхшамайди. Барча одамларнинг бармоқ излари бир-биридан фаркли. Эдуард Генри 1875 йили бармоқ изини шахсни тасдиқловчи ҳужжат сифатида ишлатиш мумкинлигини илмий асослаган бўлса, 1884 йилдан Англияда расман далил сифатида қўллаш қабул қилинди.

Инсоннинг бармоқ излари жуда ажойиб яратилган. Инсон қанча кексайса ҳам, у излар асло ўзгармайди, йўқолмайди. Ҳатто бир сабаб билан тери шилиниб кетса ҳам, янги чиққан терида яна олдингидай из бўлади.

Ҳозир бармоқ изларини ўрганишнинг янги – “дактилоскоп” (бармоқ изларига қараб инсон шахсини аниқлаш) деб аталувчи усул билан жиноятчиларни топишда қулайликларга эришилмоқда.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Инсон унинг (чириб кетган) суякларини сира тўплай (тиклай) олмайди, деб Биздан гумон қилурми?! Йўқ, Биз (ўша куни) унинг бармоқларини (ҳам тиклаб) текислаб қўйишга қодирмиз!”** (*Қиёмат*, 3–4). Бу ояти карима диққатимизни бармоқ учларига қаратади. Инсонлар оғиз, бурун, кўз, кулок каби аъзолари фаркли бўлса ҳам, бир-бирига ўхшаши мумкин. Ҳатто бу ўхшашликдан хайрон қоламиз. Аммо бармоқ учларининг бир-бирига ҳеч ўхшамаслиги, инсонни хайратда қолдиради.



Неча-неча миллиард инсонларнинг бармоқ изларини фаркли яратган Буюк Аллоҳ таоло, албатта, уларни қайта яратишга ҳам кодир. Ояти каримада инсоннинг нозик бармоқларига ишора қилинишида жуда чуқур маъно бор.

Инсон танасида яна қанча сирлар яширин. Буни англаган ақлли инсон Яратганнинг чексиз қудратига тан беради, имон келтиради.

Зебунисо ХУСАЙН
тайёрлади.

БЕРУНИЙНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ

Беруний ўзигача маълум бўлган ва тарихий манбалардаги хабарларни йил ҳисобларини қўллаб аниқлашга, уларни саралаб, баъзи ўринларда астрономик кузатувлари натижасида олган хулосалари асосида таҳлил қилишга уринган.¹ Бу борада у, айниқса, баҳсли масалаларга кенгроқ тўхталади.

Беруний ўрганган масалалардан бири Қуръоннинг нозил этилган санаси ҳақидадир. У Пайғамбаримиздан ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ривоят қилинган ҳадис асосида Қуръони каримнинг душанба куни туширилганини айтган,² аммо бу қайси са-


бандамиз (Муҳаммад)га нозил қилган нарсамиз (оятлар, фаришталар, ғалаба)га имон келтирган бўлсангиз, деган маълумотларга таяниб, ушбу оятдаги **“икки қўшин тўқнашган”** сўзлари Рамазон ойининг ўн еттинчи кунда содир бўлган Бадр жангини англатиши, бинобарин, Қуръони каримнинг туширилиши ҳам шу кунга тўғри келишини хулоса қилганларини таъкидлайди⁴.

Беруний диний манбаларнинг нозил этилиш санаси ҳақидаги турли фикрларни келтириб **“Яна Худо билади”**, дея хулосалайди. Бу ҳолнинг эътиқодий масалалар, айниқса, аниқлаштира олишга қўзи етмаган ихтилофлардан ўзини узоқ тутиб, хато ёки асоссиз хулосага келишдан тийилишини кўрсатади.

Беруний Муҳаммад пайғамбаримизнинг ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ҳаётларига оид масалаларни ҳам ҳар томонлама таҳлил қилган. У ўз асарларида Пайғамбаримизнинг ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) насаблари Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абду Манноф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луайя ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн ан-Назр ибн Кинон ибн Ҳузайма ибн Мудрик ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маадд ибн Аднон экани, Исмоил ибн

Иброҳим ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) авлодидан бўлганини таъкидлайди⁵.

Беруний Муҳаммад пайғамбаримизнинг ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) туғилган саналари борасида ихтилофлар борлигини айтиб, бу борадаги маълумотларни саралашга ва таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Шаъбий⁶ китобидан у қуйидаги сўзларни келтиради: **“Биров Пайғамбар ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) душанбага ўтар кечаси рабиъул аввал ойининг⁷ иккинчисида, биров саккинчисида деса, бошқаси ўн учинчисида туғилди, деган. Яна биров Хусрав Нўшеравон⁸ подшоҳлигининг қирқ олтинчи йилида⁹, биров қирқ иккинчи, биров қирқ учинчи йилида туғилди, деган. Шунинг учун бу ихтилоф баробарида Пайғамбар ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) умри ҳақида ҳам келишмовчилик бор”**¹⁰. Беруний шунингдек, Муҳаммад ибн Жобир Баттоний¹¹ ўзининг **“Китобул кусуфот”**ида: **“Пайғамбар ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) душанба кечаси йигирманчи найсон Искандар эрасининг¹² саккиз юз саксон иккинчи йилида дунёга келган”,** деб ёзганини, ас-Салломий ўзининг **“Эралар китоби”**да: **“У ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) рамазон ойининг ўн иккинчи санаси душанба куни тонг отарда туғилган”,** деб қайд этганини, Ҳамза ал-Исфохоний¹³ эса **“Буюк миллатлар эраларига оид”** китобида: **“У**



нага тўғри келиши борасида турли фикрлар борлигини таъкидлаган. Ушбу масалани аниқлаштириш учун олим ояти карималарга таяниб фикр юритади. У Каломуллоҳ Рамазон ойида³ туширилгани аниқ экани **“Рамазон ойи шундайки, унда Қуръон туширилди...”** (*Бақара, 185*) мазмунли оят бунга далил бўлишини билдиради. Олимлар орасида Қуръоннинг нозил бўлишини Рамазоннинг 24-санаси билан боғловчилар борлигини айтади. Бундан ташқари, айрим олимларнинг Анфол сурасининг 41-оятдаги **“Агар Аллоҳга ва ажрим куни – икки қўшин тўқнашган куни**



(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) рабиъул аввалнинг иккинчи, баъзиларнинг айтишича эса саккинчи, бошқаларнинг айтишича, ўн учинчи куни кечаси туғилган. Унинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) душанба куни рабиъул аввал ойининг биринчи ярмида туғилгани ҳақида ихтилоф қилмаганлар ва туғилиши Анушервон подшоҳлигининг қирқинчи, қирқ биринчи, ёки қирқ учинчи йилида бўлди, деганлар” каби фикрларни қиёсий ҳолда келтиради.¹⁴ Юқоридаги фикрларни ўрганган Беруний Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) туғилган саналарини қуйидагича келтиради: “Пайғамбар (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) “Асҳоби фил” Маккага келганидан эллик кун кейин туғилди. Бу воқеа Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг “Китоб ат-тарих” асаридаги сўзига кўра, Анушервон подшоҳлигининг қирқ иккинчи йилида ёки Искандар эрасининг саккиз юз саксон иккинчи йилида найсоннинг йигирманчи кунда эди”. Демак, агар бу саналар милодий ҳисобга ўгирилса, 570 чиқади. “Асҳоби фил”

воқеаси эса муҳаррам ойининг ўн еттинчи кунда юз бергани ҳисобга олинса, Пайғамбаримиз Муҳаммад (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) 570 йил рабиул аввал ойининг еттинчисида туғилганлари аниқ бўлади.

Шу ўринда олим бу масалага оид “Пайғамбаримиздан (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) душанба кунининг рўзаси ҳақида сўралганида, у зот: “Бу мен туғилган кун, шу кун пайғамбар қилиб юборилдим, шу кун менга Қуръон туширилди ва шу кун хижрат қилдим”, деган ҳадисни исбот сифатида қайд этади¹⁵. Юқоридаги ҳадис асосида Беруний пайғамбарликнинг тушиши ражаб ойининг йигирма олтинчи санаси душанба кунига тўғри келишини билдириб, бир қатор олимларнинг асарларидан бу борадаги фикрларни келтиради¹⁶.

Булардан ташқари Беруний ҳаж, қурбонлик қилиш, ҳайит, арафа куни, Қадр кечаси каби масалалар ҳақида ҳам таҳлилий равишда тўхталиб ўтган.

Зилола ТУЙЧИБОВА,
Тошкент ислом
университети,
тадқиқотчи

¹ Seyyed Hossein Nasr. An Introduction to Islamic Cosmological Doctrines, Concepts of nature and methods used for its study by the Ikhwān al-afā', al-Biruni and Ibn Sina. – New York: New York Press, 1964. – P. 113.

² Қаранг: Беруний, Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад. Танланган асарлар. – Ж. I. /Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1965. – Б. 388 (бундан кейин “Осорул бокия” деб берилади).

³ Ҳижрий таквим бўйича 9-ой

⁴ Қаранг: “ал-Осорул бокия”, 393

⁵ Қаранг: “ал-Осорул бокия”, 75

⁶ Яшаган йиллари номаълум. Маълумотларга кўра, мусулмон ривоятларини нақл қилган ровий бўлган.

⁷ Ҳижрий таквим бўйича 3-ой

⁸ Анушервон (531–579)

⁹ мил. 577–йил

¹⁰ Қаранг: “ал-Осорул бокия”, 66

¹¹ Муҳаммад ибн Жобир ал-Баттоний (858– 929) буюк астроном ва геометрик олим

¹² Ҳозирда бу эра “салавкийлар эраси” деб номланиб, асарда у 312-йилнинг 1-октябридан ҳисобланган.

¹³ Ҳамза Исфохоний – X асрда яшаган тарихчи

¹⁴ Қаранг: “ал-Осорул бокия”, 390

¹⁵ Қаранг: “ал-Осорул бокия”, 388

¹⁶ Қаранг: “ал-Осорул бокия”, 391

СОФИНАМАН СЕНИ, МАДРАСАМ...

Нетай қалбда ихлос, интилиш бўлса,
Нетайин юрагим ҳаприқиб урса?
Қалб сўзимни тингла, илмга коним,
Мен сени севаман, мадрасам, жоним.

Илк бор кучоғинга қадам кўйган кун,
Эслайман – ўша илк ажойиб суҳбат...
Сенга шунчакимас, илмга чанқоқ
Бутун борлигим-ла кўйдим муҳаббат.

Ҳар доим бағрингга югуриб келдим,
Кутиб олдинг нурли табассум билан.
Илму одоб бериб, учирма қилдинг,
Розиман қолмоққа доим сен билан.

Устозлар чарчамас, илм ўргатар,
Шогирдлар тиришқоқ – елиб-югурар.
Сен доим қалбимда, юрагимдасан,
Ҳаёт боғим, умр йўлагимдасан...

Илм деб тинмайман, майли, чарчасам,
Доим соғинаман сени, мадрасам!

* * *

Кимларнидир қилдим иззат,
Кимлардандир аядим уни.
Иззат қилган топарқан хурмат,
Билиб олдим ниҳоят шуни.

Бу ҳаётнинг қонунлари кўп,
Ўзи бир-бир ўргатар аста.
Синовларга десам: “шукр, хўп”,
Муаммо ҳал бўлар бирпасда...

Ҳилола УМАРАЛИЕВА,
“Ҳадичаи Кубро”
аёл-қизлар Ислом ўрта-махсус
билим юрти талабаси



Оч болани олдин тўйдиринг

Дуо олган болакай

Хурмо дарахти кўп хусусиятларга эга. Агар унга тош отсангиз, энг мазали мевасини ташлайди.

Рофе ибн Амр Ғифорий Ислоннинг илк даврида ёш бола эди. У кўпчилик катори қашшоқлик, муҳтожлик ва қийинчиликлар кўрди. Рофе очликдан қутулиш учун хурмо дарахтларига тош отиб, тўкилган мевалардан еб юрарди. Одамлар насихат қилар, лекин у бу гап-сўзларга эътибор бермасди. Бир куни уни тутиб, Расулulloҳнинг ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) хузурига олиб келишди.

Набий ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин): “Нега хурмога тош отасан?” деб сўрадилар ундан. Рофе: “Ейиш учун”, деб жавоб берди. Шунда у зот ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин): “Хурмога тош отма, чунки хурмо ҳам, дарахт ҳам эгасининг ҳакидир. Аммо жуда ҳам пишиб, ерга тушса ва уни ҳеч ким олмаса, оёқлар остида босилиб кетиши, қушлар еб битириши ё қуёш уриши хавфи бўлса, тўкилган хурмоларни ейишинг мумкин. Зеро, бу ўзганинг мулкига тажовуз қилиш бўлмайди”, дедилар. Сўнг меҳр ва шафқат билан

унинг бошини силадилар ва: “Эй Раббим, унинг қорнини тўйдиргин ва тўйганини сездиргин ва таомларнинг ҳалолларидан ато этгин”, деб ҳаққига дуо қилдилар.

Умринг зиёда бўлсин

Умму Холид бинти Холид ибн Саъд ибн Ос бундай ҳикоя қилади: “Отам билан Расулulloҳнинг ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) хузурларига бордик. Эгнимдаги сариқ кўйлакни кўрган Пайғамбаримиз ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин): “Ованраҳу, санраҳу”, дедилар. (Ҳабаш тилида: “Вой бунинг чиройлигини, вой бунинг гўзаллигини”, деган маъно англатади. Умму Холид ҳабаш бўлгани учун Пайғамбаримиз шу тилда гапирдилар). Мен у зотга яқин бориб, икки елкалари орасидаги нубувват муҳрларига қўлимни текказиб, унга разм сола бошладим. Отам мени уришиб берди. Шунда Набий ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин): “Қизчани ўз ҳолига қўй”, дедилар ва: “Кийимингни кийиб эскирттиргин, сўнгра бошқасини кийиб эскирттиргин, сўнгра эса яна бошқасини”, деб, умримнинг узун бўлишини сўраб, дуо қилдилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Олдин тўйдир, сўнг насихат қил

Аббод ибн Шуррайҳбил бундай ҳикоя қилади: “Мадинага келаётиб йўлимда учраган биринчи боққа кирдим. У ерга буғдой ва арпа экилган экан. Озрок бошоқ териб, донини ажратиб едим. Сўнг кийимимга ҳам бир

қанча бошоқни териб олдим. Шу пайт боғнинг эгаси кўриб қолди, югуриб келиб мени ура кетди. Бошоқлар билан бирга кийимимни ҳам тортиб олиб, ўзимни Расулulloҳнинг ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) хузурига етаклаб келди.

Набий ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) боғ эгасига буғдой бошоқларини, менга эса кийимимни қайтариб бердилар. Кейин боғбонга оч болани жазолашдан олдин қорнини тўйғизиб, сўнг насихат қилиш кераклигини айтдилар. Пайғамбар ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) мен ва Мадинага бирга келган амакиларимга ярим хуржун буғдой бердилар. Мен хурсанд бўлиб кетдим.

Ўринбосар Абдуллоҳ

Абдуллоҳ ибн Жаъфар Таййор бундай дейди: “Отам вафотидан уч кун ўтгач, Расулulloҳ ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бизникига келдилар ва: “Бу кундан сўнг биродарим учун бошқа йиғламанглар, унинг болаларини чақиринглар”, дедилар. Кейин бизларни уйларига олиб кетдилар. Набий ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) сартарошни чақиртирдилар. У келиб, сочларимизни олди. Сўнгра Пайғамбаримиз ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) кулиб: “Муҳаммад амакимиз Абу Толибга ўхшайди. Абдуллоҳнинг хулқи ҳам, кўриниши ҳам менга ўхшайди”, дедилар. Сўнгра қўлимдан тутиб, маҳкам ушладилар-да: “Ё Аллоҳ, Абдуллоҳни Жаъфарнинг оиласига ўринбосар қилгин ва унинг қўлига барака бергин”, деб уч мартаба такрорладилар.

Юлдуз АСҚАР қизи
тайёрлади.

